
БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 1 май Сешанба
№ 83 (13.519).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •



ТИНЧЛИК, МЕҲНАТ, БИРДАМЛИК БАЙРАМИ!



ЁШЛИК ВА ДЎСТЛИК АЙЁМИ

Сураткаш Е. БОТИРОВ.

Алло, бу вилоят қўмитасими?

11-18 апрель кунлари Москвада комсомолнинг янги Уставини қабул қилган ВЛКСМ XXI анжумани бўлиб ўтди. Унда ВЛКСМга коммунистик ва социалистик йўлни танлаб олган йигит-қизларни бирлаштирувчи коммунистик ёшлар иттифоқлари федерацияси, деб таъриф берилган. Хўш, бу янги ҳужжат оддий комсомол аъзосига ёки бўлмаса бошланғич ташқилотга нима беради? Комсомол ишида нималарни ўзгартиради? Анжуманда Тошкент вилояти вакиллари қандай йўл тутдилар?

Шу сингари ўзингизни қизиқтирган кўплаб саволларга Тошкент вилоят комсомол қўмитаси ўтказаётган ВЛКСМ XXI анжумани делегатлари иштирокидаги ошкора мулоқотда жавоб топишингиз мумкин.

Мулоқот шу йилнинг 4 май куни соат 10 дан 14 гача давом этади. Телефонлар: 33-34-62, 33-72-74, 33-36-13, 33-08-69, 32-00-06, 32-28-42.

Худди шу вақт 33-98-72 ва 32-27-33 телефонларида ёшлар ишлари бўйича комиссия аъзолари, халқ депутатлари Тошкент вилоят шўроси депутатлари қўнғироқларингизни кутадилар. Агарда уларнинг кўмагига муҳтож бўлсангиз, бемалол қўнғироқ қилаверинг.

Тошкент шаҳрида яшамайдиганлар диққатига: агар сиз мулоқотда қатнашмоқчи бўлсангиз, ўзингиз яшаётган шаҳар ёки ноҳиядаги комсомол қўмитаси телефонидан фойдаланишингиз мумкин.

* * *

24 апрель куни шаҳар ва ноҳия комсомол қўмиталари биринчи котиблари иштирокида Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг кенгайтирилган бюро мажлиси бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ ноҳиясида бўлиб ўтган табиий офатдан жабрланган ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилинди. Ёрдам ҳажми 30 минг сўм.

Ёшларга, ёшларнинг хўжалик ҳисобидаги бирлашмалари, корхоналарига, бутун аҳолига ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат қиламиз.

Маблағларни Агросаноат банкининг Ғазалкент бўлимига қарашли 000700504 сонли ҳисобга юборишни сўраймиз. Код сони — 734570.

Файзулла ХЎЖАЕВ номи берилди

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши С. Оржоникидзе номли Бухоро Давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари, талабаларининг институт номини ўзгартириб, уни Файзулла Хўжаев номли Бухоро Давлат педагогика институти деб аташ тўғрисидаги таклифини қувватлади.

Муҳаммаджон топилди!

«Менинг ўғлим — Шерматов Муҳаммаджон шу йилнинг 16 апрель куни кундуз соат тўртларда «Уратепа-Бекобод» маршрути бўйича қатнайдиган автобусга ўтириб, Бекободга кетиб қолган. Уни автобусда кўрганлар бор экан. Сўраб-суриштириб, излаб бермаган жойимиз қолмади...».

Бу ташвишли сатрлар рўзномамизнинг 1990 йил 25 апрель сонидаги «Ўғлимни кўрганлар борми!» мақоласида қайд этилган. Яқинда қардош Тожикистондан хушхабарли телеграмма келди. Мана у:

«Тошкент. «Ёш ленинчи» муҳарририга.

Ўғлимни топдим. Кўмак учун раҳмат. Шерматова».

ҚАРЗ БЎЙНИМДА ҚОЛМАСИН ДЕЙМАН

Дўстим Жўраев билан (исмлари эсимда йўқ) ҳарбий дала госпиталида даволанганимизда — 1943 йилда танишганмиз. Кейин анча вақт учрашмагандик. 1949 йили мен Косонсойдан Мирзачўлга кўчиб келдим. Ленин номидаги жамоа хўжалигига. Дўстим Жўраев бўлса оиласи билан Тошкент вилоятидан қўшни — «Коммуна» жамоа хўжалигига яшашга келишган экан. Яна учрашдик. Борди-келди йўлга қўйилди 1952 йилнинг охирларида у сигирни бузоғи билан етаклаб келиб, сизларникида турсин, деди. Икки-уч кундан кейин олиб кетишини билгач рози бўлдим. Аммо ҳанузгача у кишини кўрганим йўқ. Қидирай десам, маконини аниқ билмайман.

Мен 1965 йили яна Косонсойга қайтдим. Орадан шунча йиллар ўтди. Ёшим 77 да. Дўстим билан тенгдош эдик. Қариб қолдим. Мабодо қазои қадрим етиб, кўзим юмилса гарданимда бировнинг қарзи қолади. Буни асло хоҳламайман. Бу ҳақда кўплардан маслаҳат сўрадим. Бири ақлли гапни айтиб қолди. Шу боисдан «Ёш ленинчи» рўзномасига мурожаат қилаётибман. Зора, дўстим буни ўқигач омонатини олиб кетса. Бунинг учун мен кекса кишини қийнимайсизларда.

Мелибой ЗОҲИДОВ,
Косонсой шаҳри Дилшод кўчаси, 6-уй.

РАҲМАТ СИЗГА, ОДАМЛАР!

Болаликнинг ўйинқароқ дамлари мен учун жуда эрта тамом бўлди. Кутилмаган бахтсиз тасодиф туфайли бир умрга мажруҳ бўлиб қолдим. Ўрта мактабни қийналиб бўлса-да, яхши баҳоларга битирдим. Аммо бунинг фойдаси йўқ эди. Тенгдошларим турли олий ўқув юртларига йўл олишди. Баъзилари ишга жойлашди. Ёлғиз мен мунғайганча уйда қолавердим.

Менинг ҳам ўқишни давом эттиргим, севган касбимга эришгим келаверарди. Бироқ... Қаердан, кимдан нажот олишни билмасдим. Тушкунликка тушардим. Тўғриси, яшагим ҳам келмай қолувди. Ана ўшанда дугонам Назокат жонимга оро кирди. У мени Қоракўл ноҳия комсомол қўмитасига етаклаб келди. Бу ерда менинг аҳволимни тушунишди, ёрдамга шошилишди. Талашиб-тортишиб ниҳоят, Қоракўл пахта тозалаш заводи кутубхонасига ишга жойлашишимга ёрдам беришди.

Севимли «Ёш ленинчи!» Сен орқали сўраётган умидларимни қайтариб берган, қалбимда яшашга иштиёқ туғдирган дугонам Назокатга, Қоракўл ноҳия комсомол қўмитаси собиқ биринчи котиби Ҳ. Шариповга, шунингдек М. Жўраева, М. Ортиқоваларга, ноҳия хотин-қизлар кенгашига, завод директори Б. Давлатов ўртоқларга ўз миннатдорчилигимни изҳор қилишга ижозат эт.

Назира РАҲМОНОВА.
Бухоро вилояти, Қоракўл ноҳияси.

ТАЛАБАЛАР НАФАҚАСИ ОШИРИЛАДИ

СССР Вазирлар Кенгаши, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Қўмитаси олий ўқув юртлари талабалари ва ўрта маҳсус ўқув юртлари ўқувчиларининг моддий-маиший шароитларини яхшилаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Бу ҳужжатни шарҳлаб беришни редакция СССР Халқ таълими Давлат қўмитасининг раиси Г. ЯГОДИНдан илтимос қилди. У билан Москва дорилфунунининг толиби Е. НИКИТИНА суҳбатлашди.

— Биринчи навбатда талабалар нафақаси қанчага ошганлигини айтсангиз.

— 1991 йил сентябридан талабалар қайси курсда ўқишларидан қатъи назар, олий ўқув юртларида 60 сўмдан, ўрта махсус ўқув юртларида 40 сўмдан олишади. Шундай қилса, менимча, тўғри бўлади. Негаки, биринчи курс ҳам, тўртинчи, бешинчи курсларда ўқишдан осон эмас. Айтиш керакки, бўлажак мутахассисларнинг айрим қатламларига бундан юқорироқ нафақа тўлаш бекор қилинмайди. Шунингдек, корхоналар тўлайдиган, аълочи ёки фақат «4» ва «5» баҳоларга ўқийдиган талабаларга тўланадиган нафақа ҳам қолади.

— Тушунишимча, мазкур қарор олий ўқув юртларига ўз ёрдам жамғармаларини яратиш имконини беради.

— Шундай. Бироқ, жамғарма фақат талабаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга сарфланиши лозим. Эндиликда йил охирига бориб у ердаги пуллар бюджетга оширилмайди, балки тўпланиб бораверади. Жамғармага талабаларнинг ўзлари эгалик қиладилар, деб ўйлайман.

— Илгарилари болали толибалар ёки давлат нафақасини, ёки талабалик нафақасини танлашлари керак эди...

— Тушундим. Энди бу адолатсизликка барҳам берилди. Улар талабалик нафақаси билан бир қаторда болага қараш даврида давлат ажратадиган маблағни ҳам олишлари мумкин.

— Қарорда олий ўқув юртлари талабаларига ўн йил муддатга қарз бериб туриш ҳақида ҳам гапирилган.

— СССР жамғарма банкининг ташаббусини биз бажонидил қўллаб-қувватладик. Бу йилига уч фоизни ташкил қилса-да, ёш оилалар учун анча ёрдам бўларди. Шу билан бирга, ёш мутахассисни шахсий шартнома асосида ишга олган ташкилот ва корхоналар қарзни ўзлари ҳам узишлари мумкин. Талабалар шахсий шартнома асосида уй олиш учун ҳам судхўрликсиз қарз олиб туришлари мумкин.

— Яна бир кулгили ҳол — шу вақтга қадар талабалар ўқув сафарига чиқсалар, кунига бор-йўғи 50 тийингина ажратиларди, холос.

— Ҳозир бу пул икки баравар оширилди. Бироқ, тўғрисини айтиш керак, бу ҳам барибир камлик қилади. Вақтинча шундай қилиб турамиз энди. Муҳимроғи — нафақани ошириш.

— Демак, ҳозирча биз танлаб олишга мажбур эканмиз-да... Нега энди, агар пул бўлса, бу масалани ечиш олий ўқув юртининг ўзига ҳавола қилинмайди? Ахир маблағ топилган тақдирда нафақа билан таъминлашнинг янгича шароитларини жорий қилиш ҳуқуқи уларга анча илгари берилган-ку.

— Яқинда менга олий тиббиёт ўқув юртларининг ректорлари кимга қанча нафақа тўлашни ўзларига қўйиб беришни сўраб, мурожаат қилишди. Маълум бўлишича, «уч»чиларнинг ҳақидан юлиб, аълочи, яхши ўзлаштирувчиларга беришмоқчи экан. Менимча, кимнидир шусиз ҳам жуда оз нафақадан маҳрум қилиш, бу тошбағирликдир.

— Талабалар ҳаёти фақат ўқишдангина иборат эмас. Уларнинг қизиқишлари хилма-хил.

— Биз, албатта, бўлажак мутахассислар маданият, санъат ютуқлари билан яқиндан таниш бўлсинлар, деймиз. Бироқ, ҳозирча бу ўринда таъсиримиз сезиларли эмас. Маданият-оқартув театр-томоша муассасаларининг патталарини талабалар учун арзонлаштирилишини тавсия этдик. Маданият арбоблари, жамиятимиз толиблар, ўқувчиларга эътиборли муносабатда бўлишдек анъанамизни унутиб қўймасалар деймиз.

— Кўпгина талабалар илгари ҳам, ҳозир ҳам ўқиш билан бирга бирор жойда ишлашга мажбурлар. Бунинг энг қулай ва фойдали йўли ўз илм даргоҳида, кафедрада лаборант бўлиб ишлаш десак, янглишмаймиз, шундай эмасми?

— Ҳақиқатан ҳам, олий ўқув юртлари хўжалик шартномаларини бажариш, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишларига талабаларни кенг жалб қилишлари керак. Дарвоқе, қарор бўйича илмий-тадқиқотларга ажратиладиган маош жамғармасининг ўн фоизини талабаларга бериш мумкин. Ўйлаймизки, бу тадбир кўпгина ёшларга бевосита дорилфунун, институтларда ишлаш имконини беради.

— Геннадий Алексеевич, талабалик нафақаси бу давлат нафақаси, дедингиз. Ҳозир пул қадрсизланаётган шароитда қўшимча ҳақ бефойда бўлиб қолмайдими? Қарорда бу тўғрида ҳеч нарса дейилмаган.

— Бундай пулнинг қадрсизланишидан сақланишнинг ягона йўли индексациядир. Бироқ, ҳозирча бу масала юзасидан бирор қонун йўқ.

— Шундай экан, қарордаги тадбирлар етарли бўлармикан?

— Ҳозирги босқичда етарли. Бироқ, умуман таълимга ажратилаётган маблағ ривожланган мамлакатлар билан солиштирадиган бўлсак, бизда жуда оз. Балки бошқариб туриладиган бозор иқтисодига ўтиш билан аҳвол ўзгарар. Корхона, ташкилотлардан нафақа олувчиларнинг сони кўпаяди, турли хил нафақа жамғармалари яратилади. Бошқача қилиб айтсак, таълим соҳасини маблағ билан таъминлашда жамият ҳиссаси ошади. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш жуда зарур.

(«Правда», 30 апрель).

САҲИФАГА ЧИҚМАЙДИГАН ГАПЛАР

Уйингизга бугун ҳам хат ташувчи келди. Орзиқиб кутган севимли рўзномангизни, жаридангизни олдингиз. Уларни варақлашга тушасиз. Истайсизми, йўқми, нашрлардаги ўткир мақолалар билан бирга уларнинг безакри, сифати ҳам сизни бефарқ қолдирмайди. Маъқул келса, хўп-хўп, йўқса айтасиз: «Қачон бизнинг нашрлар ҳам хориждаги сингари жозибали, дилтортар, жўшқин чиқади»?

Айтишларича, Америка Қўшма Штатларидаги ҳамкасбларимиз воқеа содир бўлган жойдан репортажларини редакциядаги компьютерларга чўнтак телефони орқали узатишаркан.

Гапни чўзмай, мақсадга кўчсак. Хўш, биз журналистлар учун ҳам шунақа шароитда ишлайдиган кунлар насиб этадими? Умуман, жумҳурият рўзнома ва жаридаларининг матбаа замини истиқболи қандай? Сиз оммавий ахборот воситаларининг келажагини қандай кўришни истардингиз?

Хуллас, саҳифагга чиқмайдиган ишлар ҳақидаги саволларга жавоб олишни истасангиз, Матбуот куни арафасида — 1990 йил 3 май куни Тошкент вақти билан соат 11.00 дан 13.00 гача қўнғироқ қилинг. **Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриёти директори, тарих фанлари номзоди, Ўзбекистонда ССР хизмат кўрсатган маданият ходими Ислом Шомуродович ШОҒУЛОМОВ** сиз муштарийлар билан дилдан суҳбат қуришга розилик берди. Бунинг учун рўзномани ўқиб туриб, уйдан ёки ишхонангиздан **33-95-97, 32-55-84** рақамли телефонларга сим қоқсангиз бас.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг қарорлари

ВЛКСМда назорат ва ВЛКСМ Марказий назорат комиссияси ҳақидаги Низом тўғрисида

1. ВЛКСМда назорат ҳақидаги таклифларга қўшилинсин. ВЛКСМ Марказий Назорат комиссияси тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

2. Федерация субъектларининг, комсомол ташкилотларининг олий органларида ана шу таклифлар муҳокама қилинсин ва амалий фаолиятга татбиқ этилсин, назорат комиссиялари тузилсин ҳамда ВЛКСМ Марказий Назорат комиссияси тўғрисидаги Низом асосида ана шу комиссияларда Низомлар қабул қилинсин.

3. ВЛКСМ Марказий Назорат комиссияси куч-ғайратини марказий сайлаб қўйиладиган комсомол органларининг фаолиятида Устав нормаларига риоя қилинишига қаратсин, ана шу органларнинг вазифаларини аппарат билан алмаштирилишига йўл қўйилмасин, ишда жамоачилик ва жамоатчилик асосларини мустаҳкамлашга кўмаклашилсин; ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ёки унинг иштироки билан ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолияти орқали ана шу тузилмаларни ташкил этиш, қайта тузиш, тугатиш ва фаолият кўрсатиш масаласи юзасидан ўз вақтида норматив актлар ишлаб чиқишга эришилсин.

ВЛКСМДА НАЗОРАТ ҲАҚИДА

ВЛКСМ XX съезди ташкилот ички иттифоқ турмушини демократиялашни, ўз умрини яшаб бўлган эски, бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик системасини бузишни қайта қуришнинг асосий йўналиши, деб белгилаб берганди. Бироқ сайлаб қўйиладиган органлар фаолиятини комсомолларнинг реал манфаатларига бўйсундира олувчи механизм яратмай туриб, ВЛКСМ фаолияти мазмунини ана шу манфаатлар билан мувофиқлаштиришга интилиш вазиятни ўзгартирмади ва мавжуд зиддиятларни бартараф этмади.

Айниқса, бу ВЛКСМнинг молиявий-иқтисодий фаолиятида ўткир намоён бўлаётир: комсомол қўмиталари ҳузуридаги ёки уларнинг иштирокида тузилган хўжалик тузулмаларининг тез, кўпинча стихияли равишда ўсиши кузатилаяпти. Норматив-ҳуқуқий база хўжалик ҳисобидаги бўлинмаларни тартибга солиб туриш ва молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш системаси йўқлиги вазиятни қийин бошқариладиган бўлишига олиб келди, бу соҳада жиддий бузилишлар ва суиистеъмол қилишлар юзага келди.

Ваколатларни қуйидан юқорига йўналишга асосланган чинакам демократик ташкилот сифатида ВЛКСМнинг янги моделини тузиш комсомолларга комсомол органлари фаолиятини иттифоқ аъзолари манфаатлари билан мувофиқлаштириш мақсадида у органлар фаолиятини узлуксиз текшириб бориш имконини берган бўлар эди.

ВЛКСМнинг бўлажак моделида комсомол қўмиталарининг раҳбарлик вазифалари ўрнини **мувофиқлаштириш** вазифалари эгаллайди. Мана шунинг учун ҳам ташкилотнинг бирлигини сақлаш мақсадида комсомоллар, комсомол ташкилотлари томонидан комсомол қўмиталари фаолиятидан Устав нормаларига риоя қилишни демократик назорат қилиш механизмини яратиш зарур.

Шундай қилиб, комсомолда содир бўлаётган реал ўзгаришлар комсомоллар, комсомол ташкилотларининг йиғилишлари, конференциялари, иттифоқдош жумҳуриятлар коммунистик ёшлар иттифоқлари съездлари, ВЛКСМ съездлари, шунингдек, улар томонидан сайланадиган комсомол қўмиталари ва назорат комиссиялари томонидан назоратни бир системага боғлашни тақозо этади.

Бу системада **ВЛКСМ аъзолари** юқори комсомол ташкилотлари органларининг, ўз ёшлар иттифоқларининг, ВЛКСМнинг қарорлари ижросини шахсан назорат қилишлари ёки буни ўз вакиллари тимсолидаги тегишли сайлаб қўйиладиган органларга оширишлари мумкин бўларди.

Комсомолларнинг шахсий назорат қилишини текширувларда ва тафтиш қилишларда бевосита иштирок этиш, исталган комсомол органига ахборотлар бериш учун бевосита мурожаат этиш йўли билан; сайлаб қўйиладиган органларнинг ва улар аъзоларининг ҳисоботлари тингланадиган **йиғилишларда** амалга оширган бўлардилар.

Назорат қилиш ваколатлари ҳозир бўлгани сингари **комсомол конференциялари ва съездларининг делегатларига** берилган бўларди. Съездлар, комсомол ташкилотларининг конференциялари назорат қилиш вазифасини сайлаб қўйиладиган органларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш орқали амалга оширадилар.

Назорат қилиш ваколатлари **сайлаб қўйиладиган комсомол органларига** ҳам берилиши мумкин бўларди.

Комсомол қўмиталари ёки бошқа комсомол ташкилотлари, масалан, доимий ҳаракатда бўлган конференциялар ўзларига бериб қўйилган ваколатлардан улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш учун фойдаланадилар.

Назорат комиссиялари ўз даражаларидаги комсомол қўмитасининг фаолиятидан Устав нормаларига риоя қилишни; ана шу қўмиталар қабул қилаётган қарорлар лойиҳалари юқори органнинг қарорларига, Устав нормаларига мувофиқ келишини назорат қилиб, комсомол қўмитасига ўз фикрини тақдим этган бўлардилар.

Комсомол қўмиталарининг ва уларнинг ҳузуридаги ёки уларнинг иштироки билан ташкил этилган хўжалик ҳисобидаги тузилмаларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилган бўлардилар.

Бунда назорат комиссиялари ва комсомол қўмиталарининг хўжалик ҳисобидаги тузилмалари фаолиятини назорат қилишдаги вазифалари алоҳида-алоҳида бўлиши мумкин. Комсомол қўмиталари кўпроқ назорат ахборотларини тўплаш ва таҳлил этиш ҳамда ана шунинг асосида комсомол корхоналари ва бўлинмаларининг фаолияти учун назорат қилишни амалга ошириш юзасидан иқтисодий нормативларни таҳрир қилиб бориш билан шуғулланган бўлардилар. Назорат комиссиялари эса ана шу бўлинмаларнинг фаолиятини тафтиш қилиш усули билан текширардилар ва унинг натижаси бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишлари, аниқланган камчиликлар ва бузилишларни шубҳасиз бартараф этиш юзасидан тадбирлар кўришлари мумкин бўларди.

Назорат комиссиялари тафтишлар ва текширишлардан кейин текшириб кўрилган ташкилотлардан камчиликлар ва бузилишлар бартараф этилганлиги тўғрисида ахборот олишлари мумкин бўларди. Назорат комиссиялари тафтишлар, текшириб кўришлар натижалари тўғрисидаги ўз қарори бўйича комсомол қўмиталарининг (унга тенглаштирилган органларнинг) пленумларида маълумот берган бўлардилар ва ёшлар оммавий ахборот воситалари орқали ВЛКСМ аъзоларини зарурий тартибда хабардор қилардилар.

Назорат комиссияларини бошланғич ташкилотдан то марказгача бўлган барча даражада комсомол қўмиталаридан (ёки уларга тенглаштирилган органлардан) мустақил бўлган ҳолда тузишлари, йиғилишларда, конференцияларда, съездларда сайлашлари ва фақат улар олдида ҳисоб беришлари, юқорининг ҳар жиҳатини қамраб олиш назоратига эмас, балки комсомол органларининг ва ўз даражасидаги хўжалик бўлинмаларининг фаолиятини тўғри йўналиш бўйича назорат қилишни чамалашлари мумкин бўлади.

Комиссияларнинг фаолиятини маблағ билан таъминлашни олий орган белгилаб берган норматив асосида тегишли комсомол ташкилотларининг бюджетидаги алоҳида смета асосида амалга ошириш мумкин бўларди.

Шундай қилиб, назорат системаси бюрократик назоратсизликнинг марказлашувидан ўз-ўзини бошқаришга ўтиш даврида қуйидаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам берган бўларди: умуман ўз иттифоқи ва унинг сайлаб қўйиладиган органларидан комсомол ҳамда ёшларнинг бегоналашишини тўхтатиш; комсомол органлари ва ташкилотлари ишида ошкораликка эришиш; сайлаб қўйиладиган органларнинг вазифаларини аппаратлар томонидан ўзлаштиришни бартараф этиш; қуйи комсомол тузилмаларининг мустақиллигини ва озчиликнинг ҳуқуқини кафолатлаш, ишда жамоачилик ва жамоатчилик асосини мустаҳкамлаш; ВЛКСМ барча органларида ва бўғинлари тузилишини уларнинг ҳуқуқлари ва бурчларига мувофиқ тарзда зарур бўлган маблағлар билан таъминлашнинг имконини берувчи ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ёки норматив молиявийликка эришиш системасини яратиш.

Ҳозир комсомолда назорат-тафтиш ишлари учун кадрлар тайёрлаш системаси мавжуд эмас. Шу муносабат билан тегишли ўқув курсларини ташкил этиш, ана шу соҳа фаолияти учун мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш: комсомолнинг илмий-тадқиқот бўлинмалари комсомол назоратининг назарий ва амалий тадқиқ этишни олиб бориши; комсомол нашриётлари махсус қўлланмалар чиқаришни таъминлаши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

БУТУНИТТИФОҚ ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР ИТТИФОҚИ УСТАВИ ТЎҒРИСИДА

1. Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи Устави тасдиқлансин.

2. ВЛКСМ Уставининг қоидаларини амалга жорий қилиниши янги норматив базани яратишни, умуман ва уни ташкил этувчи барча ташкилотни қайта қуришни тақозо этади, шу муносабат билан иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКЁИ Марказий Қўмиталарига, СССР Қуролли Кучлари ВЛКСМ ташкилотларига, Сарҳад ва Ички қўшинлар комсомол ташкилотларига 1990 йил мобайнида зарур ишни ташкил этиш ва ўтказиш тавсия этилсин.

3. ВЛКСМ Марказий Қўмитасига ана шу ишни мувофиқлаштириш мақсадида федерация субъектлари уставлари ва норматив базаларининг лойиҳаларини тайёрлашда зарур амалий ва методик ёрдам кўрсатиш, бунда ВЛКСМ янги Устави ҳамда федерация субъектлари уставлари ва норматив ҳужжатлари лойиҳаларининг қоидалари ўртасида юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни тартибга солиш ва бартараф этиш топширилсин.

4. Федерация субъектлари уставлар ва норматив ҳужжатлар қабул қилганларидан кейин ВЛКСМ Уставига ўзгартиришлар киритиш зарурати юзага келишини эътиборга олиб, уларни киритишнинг мақсадга мувофиқлигини ва мазкур масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишни ўрганиш учун иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКЁИ, СССР Қуролли Кучлари ВЛКСМ ташкилотлари, Сарҳад ва Ички қўшинлар комсомол ташкилотлари вакилларидан иборат ВЛКСМ XXI съезди Комиссияси ташкил этилсин, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Комиссияси таркибига ўз вакилларини тавсия этсин.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасига, съезд Комиссиясига ВЛКСМ Уставига киритиладиган ўзгартиришлар съезд томонидан қабул қилинган иттифоқимиз концепциясини жиддий қайта кўриб чиқишга олиб келадиган бўлса, ВЛКСМ Бутуниттифоқ комсомол конференциясини ёки съездини чақириш топширилсин.

5. РСФСР ЛКЁИ бўлажак съезди муносабати билан белгилаб қўйилсинки, РСФСР ЛКЁИ комсомол ташкилотларининг манфаатлари федерация субъекти сифатида ташкилий шакллангунига қадар ана шу ташкилотлардан сайланганлар ВЛКСМ Марказий Қўмитасида — Марказий Қўмита аъзолари вакиллари ҳисобланадилар. ВЛКСМ Уставининг 28-бандига мувофиқ ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Пленумига комсомол ташкилотлари федерация субъекти мақомига бўлиниш тартибларини ишлаб чиқиш юзасидан комиссия ишини поёнига етказгандан сўнг РСФСР мухтор тузулмаларини ҳисобга олган ҳолда федерация сифатида ВЛКСМ тузилишини узил-кесил аниқлаш топширилсин.

6. ВЛКСМ янги Уставида ички иттифоқ турмушининг бир қатор масалалари, уни аниқлаш федерация вазифасига ўтказилганлиги муносабати билан, батафсил изоҳловчи бир қатор қоидалар тартиблари йўқлиги муносабати билан ВЛКСМ XXI съезди федерация субъектлари уставлари қабул қилингунга қадар ёки улар томонидан ўз норматив базаларини яратгунча даврдаги зарур бўлган ҳолларда комсомол XX съезди томонидан қабул қилинган ВЛКСМ Уставининг тегишли қоидаларидан раҳбарликка фойдалишлари мумкин деб ҳисоблайди.

7. ВЛКСМ Марказий Қўмитасига XXI съездгача амалда бўлган барча норматив ҳужжатларни таҳлил этиб чиқиш ва агар улар ВЛКСМ янги Уставига мувофиқ келмаса, уларни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш топширилсин. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг норматив базасидаги ўзгартиришлар тўғрисида комсомол ташкилотларига оммавий ахборот воситаси орқали хабардор қилинсин.



У 1930 йилнинг 1 майида Фарғонанинг Водил қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. Урта мактабни битирганидан сўнг В. И. Ленин номидаги Урта Осиё Давлат дорилфунунининг (ҳозирги Тошкент дорилфунуни) филология факультетига ўқишга киради ва уни 1959 йилда тамомлайди. У дастлаб меҳнат фаолиятини «Уқитувчилар газетаси»да адабий ходим бўлиб ишлашдан бошлаган. Кейин мактабда, Ф. Энгельс номли Тошкент чет тиллар педагогика институтида ўзбек тилидан дарс берган.

УзССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлаб юрган даврида ўзбек тили диалектологияси муаммолари юзасидан тадқиқот ишлари олиб боради. «Ўзбек тилининг Жанубий Фарғона шевалари» мавзусида диссертациясини ҳимоя қилади. Ҳозир Тошкент автомобиль ва йўллар институтида ўзбек тилидан дарс бериб келмоқда.

У ўзининг илмий-педагогик ва журналистик фаолияти давомида ўзбек тилшунослиги, адабиётшунослиги, ёшлар тарбиясига доир ўндан зиёд китоб ва рисола ҳамда кўплаб илмий-педагогик мақолалар муаллифидир.

ТИЛ ЗИЙНАТИ

Ҳозирги замон услубшунослиги, яъни стилистика илми ўзбек тилшунослигида янги соҳа эмас. Тилшуносликнинг ушбу бўлими жуда қадим-қадимлардан буён ҳам ўзбек тилининг вазифадошлик — алоқа қуроли сифатидаги ижтимоий ролида, нутқ услубларининг лингвистик ва экстролингвистик муаммолари талқинида нутқ одоби сифатида хизмат қилиб келган.

20-30-йилларда ўзбек нутқ одобида маъмурий ва ифодавий иш услубларида «Шўролар жумҳурияти», «Шўро ҳукумати», «Фирқа қўмитаси» каби бирикмалар фаол қўлланилиб, ҳозирги давр ўзбек тилининг сўзлашув услубидан фарқли ўлароқ гўзал идоравий қиёфасини белгилаб келган эди.

Тил доимо бойиб, ривожланиб борадиган ижтимоий ҳодиса, энг муҳим фикр олишув қуроли экан, унинг бағрида янги-янги соҳалар табиий равишда пайдо бўлади. Олдинлари нутқ одоби деганда, торроқ доирадаги фикр олишувнинг кўринишларини тушунган бўлсак, эндиликда нутқ услубшунослиги сифатида майдонга келди. Нутқ маданиятини ўзида мужассамлаштирувчи услубий вазифадошлик, амалий услубшунослик пайдо бўлди.

Бошқача қилиб айтганда, кейинги пайтларда қўлланиш доираси архиаклаша бошлаган ўзбек тили нутқ одобида «мошкичирилик» — ўзга тиллар сўзларини мажбуран аралаш ишлатишдек нохуш кўринишлар бениҳоя ортди. Пок ўзбек тили булғана бошлаб, алоқа қуроли сифатидаги олдинги роли пасайди. Таниқли тилшунос, профессор Г. О. Винокурнинг ҳақли кўрсатганидек: «Тил фақат амалий қўлланишдагина тилдир». Бас, шундай экан, ўзбек тилининг амалий қўлланиши пасайиб кетди...

Бироқ, ўзбек халқи бор экан, унинг алоқа қуроли баҳоли қудрат яшаб келди. Ана шундай шароитларда нутқнинг илмий, бадиий, расмий-идоравий, публицистик, умумий сўзлашув, услублари вужудга келди. Бу услублар ўзбек тилининг фонетик, лексик ва грамматик бирликларида иштирок этиб, ўз вазифасини бажармоқда.

Нутқ жараёнида услубий қонуниятларнинг бузилиши ҳам оғзаки, ҳам ёзма муомала алоқаларимизда кулгили ҳолатларни келтириб чиқараверади. Шу боис ҳам услубшуносликда телекўзгу мулоқоти алоқаси ўрганилиш объекти сифатида услубнинг янги кўриниши бўлиб қолмоқда. Бу нарса телематериалларда қандай ҳолатда кўзга ташланаётганлиги билан танишиш жараёнида айниқса ойдинлашади.

Услубнинг — гапларда сўз тартибининг бузилиши, сўз қўллашнинг қалтисликларини билмаслик оқибатида, дастлаб кўрсатув материалининг ёзма услуби, қолаверса оғзаки услуби бузилади. Бу деган сўз — ўша гап ва матндаги мантиқ ҳам бузилади, дегани бўлади.

Ёзма ва оғзаки нутқ услубларининг бузилиши адабий тил қонуниятларидан узоқлашганликда кўринади. Ёзма нутқ услубининг чалкашлиги баъзан радио ва телевидениеда ҳаво мавжлари орқали ўрнатиладиган боғланиш ҳамда мулоқотда кўринади. Натижада оғзаки нутқнинг шаклий ифодаси сифатида рўёбга чиқиб, бу нуқсон томошабин ва тингловчи ғашига тегади, руҳиятини бузади. Фикрим қуруқ бўлмаслиги учун баъзи бир мисоллар келтириб ўтмоқчиман. Ўзбекистон телевидениесининг ўтган йилнинг 2 сентябрь куни кўрсатилган «Ахборот»ида муаллиф М. Файзуллаевнинг «Қайта қуриш йўлида» ойнаисўзи остида Газлидан хабар матнида бир қатор чалкашликлар яққол кўзга ташланади. Жумладан, «Ленин номли Газли газ қазиб олиш ва жўнатиш бирлашмаси коллективи эришаётган ютуқлар салмоқли бўлмоқда» дейилган жумла мавжуд. Бу гап таркибидаги «Газли газ қазиб олиш...» бирикмаси ўрнида «Газлидаги газ қазиб олиш...» тарзида воқеа ўрни ифодаланиши лозим эди. Услубнинг бундай бузилиши ушбу гапнинг мантиқан пухталигини беқарорлаштириб мужмал бирикма вужудга келган. Ёки «Газчилар республика ҳамда мамлакат саноат марказларига бир меъёрда маҳсулот етказиб бериш учун бор тажрибаларини ишга солиб, меҳнат қилишаяпти».

Бу гап услубий чалкашликдан ташқари баъзи ортиқча сўзларни ҳам ўз ичига олган. Чунончи, «Газчилар мамлакат,жумладан жумҳурият саноат марказларига...» тариқасида, яъни олдин мамлакат берилиши лозим эди. Шунингдек, ушбу гап тугалланмаси «...ишга солмоқда» деган жумла бўлиши керак эди. Шунда ҳам «ишга солиш» мантиқан ўз-ўзидан меҳнат жараёни давом этаётганининг мазмунини ифода этаверади.

Маълумки, тил — жамият аъзолари орасида энг муҳим алоқа воситаси (В. И. Ленин) бўлганлигидан у ҳаётнинг барча жабҳаларида фикр олишув қуроли сифатида хизмат қилади. Шу сабабли, К. Маркснинг ҳақли равишда кўрсатганидек, «тил фикрнинг бевосита воқе бўлишидир». Бас, шундай экан, маданият кўзгуси бўлган тилга алоҳида эътибор бериш ҳар бир кишининг муқаддас бурчидир. Чунки тил — ягона фикр олишув, мулоқот қуроли ҳисобланади. Кимки пухта, лўнда тафаккур қилса, чуқур идрок этса, у сўзлардан гап тузишда мантиқ жиҳатдан пухта тасаввурга эга бўлади.

Ўзбек тилига жумҳурият давлат тили мақоми берилиши катта воқеа бўлди.

Гап энди ана шу Қонунни жумҳуриятимизнинг барча соҳаларига собитқадамлик билан татбиқ этишимизда қолди. Бу эса бебаҳо хазинамиз — тилимизни қайта тиклаш, поклаш, бойитиш, халқимизнинг асрлар оша дилида асраб-авайлаб, ардоқлаб келган тил дурларини рўёбга чиқариш имкониятини бериши шубҳасиздир. Тил хазинасида ғоят сермазмун иборалар, атамалар беҳисоб. Уларни истеъмолга киритиш учун ҳаммамиз, аввало, жумҳурият телевидение ва радиоси, оммавий ахборот воситалари, барча босма нашрликлар жонбозлик кўрсатишлари зарур.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тил ва адабиёт илмлари номзоди, доцент.



Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни байрамини Шаҳрихондаги 39-ҳунар-техника билим юрти жамоаси шоду-ҳуррамлик билан кутиб олмоқда. Сиз суратда кўриб турган Малоҳатхон Собирова ушбу ҳунар даргоҳининг фаол талабаларидан бири саналади. Кўпчилик тенгдошлари сингари Малоҳатхон ҳам РСФСРнинг Калинин шаҳридаги трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида касбкор кўникмасини пухта эгаллади. Ана шулар барининг келгусида мустақил меҳнат жараёнида анча қўл келишига Малоҳат ва унинг устозлари катта умид қилишмоқда.

А. МИРЗАЖОН олган сурат.

ИНТИЗОР НИГОҲЛАР

Кимдир тўсатдан уйингизга келиб: «Мен сизнинг укангизман, синглингизман...» деса, дарров унинг нигоҳига қарайсиз. Жовдираб турибди.

Кўнглингиздан тоғлардан оғирроқ нимадир қулагандай бўлади. Бу унинг пойига тўкилган меҳр. Дил уммони. Сезасизки, бағрингиз тўлгандай, кўксингизда яна бир оға меҳри жўш уради.

Ҳа, инсоннинг феъли кенг. Бир-бировини суяб-тиргаб яшасагина кўкси бут! Йўқса, ҳеч нима тўлдиролмагай... Тутунганинг кўп бўлса туртинганинг билинмайди ҳаётда.

Элчилик, қариндош-уруғ, дилдошлик туйғуси боғлаган ришта шунчалик мустаҳкамки, ҳеч қачон кишиларни етти қат осмонларга узоқлашиб кетишига имкон бермайди. Орадан нима ўтса-да, қалбан тан оласан: «У менинг жигарим эди, у менга...»

Ёҳуд олисларда кимингдир яшайди. Сен уни ҳечам кўрмагансан. Тақдир ўйини деймизми, сизни айри-айри улоқтирган. Табиийки, сенинг бу ҳаётдан танҳо сўровинг уни кўриш. Агар воқиф бўлса у ҳам сенга талпинаверади... Бу эса ягона армонга айланади.

Бежиз айтилмаган: «Инсон ўз томирига тортади», деган гап. Мана, қўлимиздаги мактуб эгаларининг бариси ўз яқинларини излайдилар. Айримлари йўлига интизор кишисининг дийдорини ҳеч қачон кўришмаган. Бироқ, умид, таскин, қалблар қувончли, дунёси нурга тўлгувчи кунлар илинжида яшайди. Илло, соғинчдан мўлтираган нигоҳлардан шодлик ёшлари сизсин!

Умидли дунё. Мактуб йўллаганларнинг барчаси ўз яқинларини топишга, улар билан дийдор кўришишга умид боғлаб яшайдилар. Энди уларга мурожаат қиламиз:

«Ҳасан ва мен 1960 йил январида туғилганман. Яъни, эгизакмиз. Оилавий аҳволимиз оғирлиги туфайли онам акамни Тошкент вилоятидаги Оҳангарон ноҳиясига қарашли болалар уйига берган экан. 1966 йилги зилзиладан сўнг Ҳасанни йўқотиб қўйган. Ўтиниб сўрайман, акамни топишга ёрдам беринглар...

Зуҳра НУРАЛИЕВА,
Сирдарё вилояти Бойовут ноҳияси Пушкин номли давлат хўжалигининг 7-бўлими».

«Отам гўдаклик чоғидаёқ уйдан чиқиб кетган экан. Етти ёшимда онам қазо қилди. Сўнгра энамнинг қўлида қолдим. 1970 йилда у кишидан ҳам айрилдим. Менга отам ҳақида шунча сўрасам ҳам ҳеч нарса айтишмаган. Қишлоқдошларим уни йўл қурилишида ишлаган, исми Тўрахон бўлса керак дейишади.

Агар отам тирик бўлса (балки болалари бордир), мени келиб бир кўрсин. Ҳеч бўлмаса хат ёзсин. Ўзим топиб оламан. Биргина сиғинганим, бошимни силаган, мени одам қилган холам ҳам 1982 йили бандаликни бажо келтирдилар. Эшитаяпсизми, ота! Ёлғизман. Ёшим 29 да. Ишонинг, сизга ҳечам оғирлигим тушмайди. Фақатгина дийдор кўришсак бас.

Ўғлингиз Аббосхон Очилов (ҳозирда холамнинг фамилиясига ўтганман).

Андижон вилояти, Ленин ноҳияси, «Правда Востока» жамоа хўжалигининг 8-бригадаси».

«Азиз акажоним Яраш! Сизни кўпчиликдан сўроқладим. Афсус... Ҳеч кимдан жўяли жавоб эшитмадим. Тошкентданми ёки Сурхондарёданми 1953 йилнинг 4 февралида битта сурат юборгандингиз. Ҳозир унга термулиб кўнглим бузилаётир. Юрагим қон. Агар тирик бўлсангиз, соғ-омонлигингизни билдиринг.

Синглингиз Норсулув ЭРГАШЕВА,
Навоий ноҳияси «Гигант» давлат хўжалиги.

Бешработ қишлоғи».

«Мен Бойсун ноҳиясидаги «Мочай» совхозида яшайман. Аммам Амонжон Ортиқовани излаяпман. У киши 1950-53 йиллари Фарҳод каналига ишга юборилган. 1964 йилда Тошкент шаҳри, Кустарей кўчаси, 8-уйда истиқомат қилувчи Ғани Абдураззоқов деган кишидан мактуб келди. Аммам шу кишига турмушга чиққан экан. Отам Чори Ортиқов (ҳозир марҳум) анчагача хат ёзишиб турди. 1972 йилдан бери на аммамдан, на фарзандларидан хат-хабар йўқ. Бир неча бор хат ёздик. Укам Тошкентни айланиб тополмай қайтди. Ишқилиб тинчликмикин?

Қизлархон ОРТИҚОВА».

«Яқинда Москвада Илья Семёнович деган киши билан танишиб қолдим. У уруш қатнашчиси. Очиқ кўнгил, одамохун. Суҳбат давомида Ғафуров Мута (балки Мутал) деган қуролдош ўзбек дўстининг исмини жуда кўп такрорлади. Улар 1943 йили 1-Украина фронтининг 332-ўқчи қисмида бирга жанг қилишган. Ҳамюртимиз ўшанда взвод командири экан. Унвони капитан. 1943 йилнинг 8 сентябрь куни Иля Семёнович оёғидан ярадор бўлиб госпиталга кетади.

Мана 47 йилдирки, учраган ўзбекдан дўстини дараклайди. Ҳурматли муштарийлар, М. Ғафуровни билганлар (балки ўзлари ҳам ҳаётдир) у ҳақда москвалик қуролдошига хабар беринг.

Унинг адреси: Москва шаҳри, Матрос бульвари, Железника кўчаси, 13 А. Квартира 2.

Салом билан: М. ҲАКИМОВ, Сирдарё вилояти».

«...Биз яшаган уйнинг ёнгинасида тегирмон бор эди. Сал нарироқда эса тепалик. Кўз олдимда, сингилларим Турдихол ва Норхол шу атрофда ўйнашарди. Мен урушга кетгач, қариндошларим, уларни Деновдаги болалар уйига топширишга мажбур бўлган. Айтишларича, сингилларимни аввал Термиз, сўнгра Тошкентга кўчиришган экан. Турдихолнинг ёши бешларда эди ўшанда. У-бу нарсани фарқлай оларди... Агар эсласа Денов ноҳиясидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигининг Ғалаба қишлоғида яшардик. Шу кунларда эгачиларим йўлига интиқ кўз тикаяпман.

Абдулла МИНГНИЁЗОВ.
Сурхондарё вилояти, Денов ноҳияси, Холчиён қишлоқ шўроси».

«Ҳурматли редакция! Менинг бобом Райим Жўраев 1916 йили Қашқадарё вилоятининг Гузор ноҳияси (ҳозирги Қамаши ноҳияси)да туғилган. 1941 йил урушга кетиб, Литва ва Молдавияда фашистларга қарши жангга кирган. Ўша вақтда бобомдан 20-30 тача хат келган. Энг сўнгги мактуби эса Молдавиядан... Шу-шу ундан на қора хат, на бирор хабар олинмаган. Ҳалигача унинг йўлига кўз тутиб яшаймиз.

Умид билан: Дилноза ЖЎРАЕВА.

Қашқадарё вилояти, Қамаши ноҳияси, Карл Маркс давлат хўжалиги, Совсан қишлоғи».

«Отам вафотидан сўнг уруш йиллари ўгай онам укам Файзуллани Бухоро ноҳиясидаги «Йўлбошчи» жамоа хўжалигига эргаштириб кетган экан. Кўп ўтмай у киши ҳам бандаликни бажо келтиради. Укам Файзулла Қодиров 3-4 ёшидан бошлаб Бухоро шаҳридаги болалар уйида тарбияланган. Унинг кейинги ҳаёти менга қоронғу. Ҳозирда уйли-жойлиман. Турмуш ўртоғимнинг фамилиясига ўтганман.

Укажонимнинг эшик қоқиб кириб келишини илҳақлик билан кутаяпман.

Муаттар ЭРГАШЕВА,
Бухоро вилояти, Бухоро ноҳияси Ленин номли жамоа хўжалигининг 10-бригадаси».

Юқоридагиларни келтираётиб, хаёлимиздан бир нарса ўтди. Бедаракларнинг кўпчилиги айни кунда соғлом, орамиздалигига гумонимиз йўқ. Улар жумҳуриятнинг (кимдир четдадир) турли жойларида. Фақатгина яқинларининг қай маконда истиқомат қилаётганини билишмасдир. Илгарилари ҳам узоқ-узоқлардан яқин кишилар бир-бирини минг бир қийинчиликлар билан излаб топиб, келишмасмиди. Хоҳ отда, хоҳ эшакда бўлсин. Не-не довону-чўллар ошиб... Барибир оғайни-уруғ, қавми-қариндошлик туйғуси ҳар қайси тўсиқдан устун келади. Бу чанқоқликни фақатгина дийдор кўришиш боса олади.

Баъзида ойнаи жаҳон, ёҳуд радио «энтикиб» сўзлаб қолади. Фалон жойдан кимнингдир денгизу-океан ошиб юртимизнинг мўъжаз қишлоқларидан бирига ўз ёру-биродарларини сўроқлаб келгани ҳақида. Уларни муқаддас Ватан тупроғи, шарқ халқлари қон-қонига сингиб кетган азалий оға-инилик, қавми-қондошлик қадрияти чорлайди.

Шу илинжда бизга хат йўллаганларнинг кўпчилиги излаётган кишилар қатағон, Улуғ Ватан уруши даврида ном-нишонсиз йўқолганлар. Поплик Баҳринисо Муҳаммадиева тоғаси Содиқжон Усмоновни, андижонлик Сафурахон Абдуллаева тоғаси Эргашали Ҳасановни, пахтачилик Гулсара Садинова амакиси Қурбон Садиновни, ульяновлик Баҳодир Сафаров бобоси С. Эрназаровни, ховослик Саримсоқ Умиров тошкентлик қуролдоши Абдукарим Эрматовни, советободлик Усмон Бобожонов бобоси Умарқул Бобожоновни, андижонлик Тўрахон Бурхонова укалари Ҳасан ва Ҳусанни сўроқлайдилар.

Кишилар ҳамиша бир-бири билан қандайдир баҳона-сабаб қалинлашади. Кўпроқ ҳолларда бошга оғир савдо тушганда мадад бўлган дўст, мушкулингни енгил қилмоқ ниятида жони-ҳалак биродаринг юрагингнинг энг яқин кишиси бўлиб қолади. 18-20-да афғонда топишган бўз болалар ҳам жонажон дўстужўрачилик қилишни чуқур ҳис этадилар. 80-йилларнинг кескир сиёсати ясаган кемада жони бир бўлган бу ўғлонлар қонли жанггоҳларда бир-бирларига суянишди. Ватан узоқда, суюкли ёр бағри хун, ота-она олисларда қолган. Ана шундай энг мусибатли дамларда улар бир-бирига Ватан бўлдилар, бир-бирини авайлаб-асрадилар. Икки йиллик тарихий «сафар»да қадрдонлик дилларда муҳрланди.

«1985-87 йиллар афғоннинг Чорикор ва Баграм вилоятларида хизмат қилганман. Мен уйимга қайтадиган пайтимда ҳали хизмати тугамаган дўстларим табассум аралаш синиқ чеҳра билан кузатиб қолишгани эсимда. Назаримда ортимдан кузатиб қолган дўстларимни ташлаб келгандайман. Ҳозир улардан қай бири соғ-омон? Ниятим учрашиш. Ҳеч бўлмаса хат орқали мулоқотда бўлиш. Ҳар ҳолда кўнглинг таскин топади. Жами қуролдошларимга эҳтиром билан:

Каримбой САПАЕВ:
ҚҚАССР, Элликқалъа ноҳияси, Қирққизобод жамоа хўжалигининг 16 бригадаси».

«Ёзнинг жазирама кунлари эди. Шиндант-Қандаҳор йўлини қўриқлардик. Постимиз йигирма иккинчи «Чора» деб аталарди. Атрофни яхшироқ кузатиш учун тоғ чўққисидаги махсус белгиланган жойга кўтарилардик. Янги кузатув нуқтасини қуриш учун буйруқ олгандик. Иш қизиб бироз дам олмоқчийдик ҳамки, ўттиз қадам нарига миномёт снаряди келиб тушди. У ерда сурхондарёлик дўстим Раҳимжон ишлаётганди. У тошдан-тошга сакраётиб пастликка қулаб тушди. Биз Раҳимжонга қараб югурдик. Тепада бизни ҳимоялаб туришди. У жуда кўп қон йўқотганди. Уйга қайтишига 3—4 ой қолган дўстимиз Р. Турсуновни вертолёт чақириб госпиталга жўнатдик. Шундан бери Раҳимжон ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Эсон-омон уйига қайтганмикан?

Ибодулла СУННАТОВ,
Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институтининг 4-курс толиби».

«Кимки 1980 йиллар Афғонистонда хизмат қилган бўлса менга хат ёзсин. Акамнинг қуролдошларини излаяпман.


Олим ЭШМАТОВ,
Бекобод ноҳияси, Ленин номли жамоа хўжалигининг 3-бригадаси».

Ушбу хатларни кўздан кечиргач, тасаввуримизда бир хил манзара жонланаверди. Баҳор нафаси уфурган дангиллама ҳовли... Унинг эшигини қимтинибгина кимдир чертаяпти...

Кўчқор НОРҚОБИЛ
тайёрлади.

УЛАР ГЕРМАНИЯДА ЎҚИГАН ЭДИЛАР...

4. Хайриниса Мажид қизи



ХАЙРИНИСА МАЖИД ҚИЗИ ҳам 1905 йилда Тошкентда, маърифатпарвар Мажидхоновлар оиласида дунёга келди. Унинг отаси Мажидхон ака инқилобгача машҳур «Шеробод» маҳалласидаги рус, немис ва бошқа миллат зиёлилари билан яқин алоқада бўлган ва ҳатто ўша йиллари ички Россия, Москва, Петербург, Одесса, Қозон шаҳарларида бўлиб, у ердаги илғор фикрли турли миллат зиёлилари билан танишган ва бунинг кучли таъсирида Туркистонга қайтиб, ўз қизларини ҳам янги замонавий илм-фан, тилларни билишга тарғиб ва ташвиқ қилганлардан эди. Шунинг учун ўша вақтда Тошкентдаги мутаассиб руҳонийлар уни Мажид ўрис, Мажид кофир лақаби билан атаб, унинг қизлари очиқ юриб ўқишларини нафрат билан тилга олар эдилар.

Мажидхон отанинг кичик қизи Хайриниса шундай оғир диний — хурофий қаршиликлар кучли бўлган ва отасига турли хил тавқи-лаънат тошлари отилиб турган хавф-хатарли бир даврда атрофларидаги ўқимишли, рус, татар, немис ва бошқа миллат қизлари билан аралашиб, илғор муҳит таъсирида ўсиб, кейинчалик шаҳардаги биринчи ўзбек хотин-қизлар билим юртида ўқиётган опаси Ойпошша Мажидховадан сабоқ олабошлайди. Сўнг Мирободдаги янги мактабда ўқиб, рус, немис тилига меҳр қўяди.

1922 йил охирларида бир гуруҳ ўзбек йигит ва қизлари билан Германияга ўқишга бориб, 1927 йил охирларида у ердан тиббиёт бўйича олий маълумот олиб қайтади ва то 1937 йил сентябрь бошларигача Тошкентнинг Чиғатой дарвозасидаги Жумҳурият ўқитувчилар санаторийсида бош шифокор бўлиб ишлайди. У меҳнат фаолияти ва ёшлик ғайрати жўшиб турган шундай бир пайтда туҳматга учраб «немисларнинг жосуси», «ватан хоини» каби шубҳа билан қамалади ва йўқ қилиб юборилади Хайриниса фақат Сталин вафотидан сўнг, партия XX съездидан кейингина оқланади. Лекин шунга қарамасдан унинг Германияда ўқиши, Ўзбекистондаги меҳнат фаолияти, кейинги қамоқдаги тақдири, ўлими ва бошқалар ҳақида ҳеч нарса маълум эмас.

Ҳозирда, унинг ҳаёт бўлган жияни, Тошкент темир йўллар бош бошқармаси кадрлар бўлимининг бошлиғи Холидахон Қодированинг ҳикоя қилишича, Хайриниса қамалгунга қадар опаси Ойпошша Мажидхонова билан ҳозирги «Россия» меҳмонхонаси ортидаги «Конституция» (аввалги Файзулла Хўжаев) кўчаси, 34-уйда туришган.

«Куз ойларининг бошлари, мен темир йўл мактабининг 2-3 синфида ўқирдим, — дейди Холида опа ўша машъум оғир йилларини алам билан эслаб, — кунлардан бирида тонг саҳарда уйимизга икки киши назорати остида кириб келдилар. Бу формасиз кишилар уйимизни тинтув қилишиб, Хайриниса опамнинг Германиядан олиб келган китоблари, ёзишмалари ва бошқа ҳужжатларини талаб қилабошладилар. Холам ҳамма нарса Мирободдаги эски ҳовлимиздалигини айтгач, улар холамни ўша ёққа бошлаб олиб кетдилар. Шу орада, — аба, мактабга борайми, деганимда, холам — майли, қизим, боравер, — дедилар (холам турмушга чиқмаган, мени қизим деб атар эдилар). Мен мактабга оёғим тортмай, қўрқув ва алаҳлаш орасида, бобом олдиларига яқин йўл билан ўтиб, формасиз кишилар холамни ишхонасидан олиб келиб уйимизни тинтув қилаётганини айтдим. Шунда бобом бувимга қараб, «онаси, қизингдан айрилибсан», — дедилар. Мен мактабга боролмай қалтираб турдим. Шу вақт орган ходимлари етиб келиб холамни бобом уйига бошлаб, ҳамма ёқни тинтиб ташладилар. Германиядан келтирган медицина ва адабиётга оид китоблари, хатлари ва ўқиш йилларидаги турли эсдалик альбомларини ҳовлида олов қилиб ёқдилар. Мажидхон бобом ва онамни ҳам 3—4 ой терговга чақиришиб, қизингни Германия билан алоқаси — жосуслиги ҳақида маълумот берасан, деб талаб қилдилар, баъзи вақтлар уларни ҳатто қамаб ҳам қўйдилар, кейинчалик Файзулла Хўжаев кўчасидаги уйимиздан тамомила ҳайдаб юбордилар.

Хайриниса холамнинг орзулари жуда катта эди, — дейди Холида опа кўз ёш билан сўзида давом этиб, — холам Германиядан олиб келган медицинага оид нодир илмий китоблари, қўлланмаларини немис тилидан ўзбек тилига таржима қилиш, медицинада илмий иш олиб бориш борасида ишлар бошлаган, мени эса келажакда шу соҳага тайёрлаш каби эзгу орзу-ҳавaслар билан яшар ва ишлар эдилар. У киши менга рус тили билан бирга немис тилини ҳам ўргатар, Германиядан олиб келган немисча болалар журналини кўрсатиб, ўқиб тушунтириб берар эдилар. Немис газета, журналларида тушган расмлари, ўқиш ва тажриба ўтказиш вақтидаги жараёнлар, мақолаларини кўрсатиб, қувониб сўзлар, сен ҳам катта бўлсанг ўша ерларга бориб ўқиб қайтарсан, деб мени орзуларга қаноатлантирар эдилар. Орган ходимлари томонидан ёндирилган китоблар орасида Германиядан олиб келган медицина, болалар китобларидан ташқари менга ўша вақтларда кўрсатган Гёте, Шиллернинг асарлари, Абдулла Қодирий, Чўлпон каби севимли ўзбек шоир ва ёзувчиларининг китоблари ҳам бор эди.

Мен бир сафар онам ва бобом билан холамни кўраман, деб Тоштурмага эргашиб борганимда Хайриниса холамни мутлақо кўрсатишмади. Онам норозилик билдирганликлари учун кечгача қамаб, санларни турмада чиритаман, деб қўрқитишди, ва кейинчалик биз у ерга боришга, ҳатто холамнинг номларини тилга олишга ҳам қўрқиб яшайбошладик.

ПАРТИЯ XX СЪЕЗДИДАН сўнг онам синглиси Хайринисанинг охирги тақдирини суриштириб ҳуқуқ органларига мурожаат қилганларида, улар холамнинг 1942 йили вафот қилганларини совуққина хабар қилганлар, холос. Лекин Хайриниса холамни ҳамон қаерда, қандай аҳволда вафот этганликларини билмаймиз, сўраб билишга, суриштиришга ҳам ҳамон қўрқиб яшаймиз. Кеча Сиз Хайриниса холамни сўраб телефон қилганингиздан кейин ҳам яна ўша эски тергов, қийнов азоблари эсга тушиб юрагим ўйнаб, ёмон бўлиб, кечаси билан ухламай, юрак ўйноғида юрибман, — дейди сўзини тугатаркан, кўзига ёш олиб Холида опа.

5. Ватанни қўмсаб

Саида Шераҳмад қизи 1905 йилда Тошкентда маърифатпарвар хонадонлардан бири Шераҳмадбой оиласида дунёга келади. Инқилобгача Акмал Икромовнинг отаси машҳур Икром домланинг эски мактабида ўқиб, инқилобдан сўнг Валиҳожибойнинг ҳавлисида очилган биринчи ўзбек қизлар билим юртида Ойдин Собирова, Ҳосият Тиллахонова, Робия Носирова каби, кейинчалик Ўзбекистоннинг таниқли шоира ва мураббиялари бўлиб етишган бир қанча ўзбек қизлари билан бирга ўқийди. Уларга шу даврда Мунаввар қори Абдурашидхонов, Шокиржон Раҳимовлар билан бирга Петербургдаги Смольний хотин-қизлар маориф институтини битирган, полковник Еникеевнинг хотини Саодатхоним Еникеева, Қримдан келган Муршида хоним Исмоилова, қозонлик Гавҳар хоним Алиева каби машҳур мураббийлар дарс берадилар.

Эски ва дунёвий илмларни пухта эгаллаётган Саида Шераҳмад қизи 1922 йили билим юртини тугатмасдан бир гуруҳ ёшлар билан Германияга ўқишга кетади. Бунда инқилобгача Германия, Франция, Арабистон каби хорижий мамлакатларда саёҳатда бўлиб, илғор Европа илм-фан, маърифатидан анча хабардор бўлган отаси Шераҳмадбой муҳим роль ўйнайди, албатта. Бугина эмас, Шераҳмадбой 20-йилларнинг бошларидаги ўлкамизда кечган оғир очарчилик йилларида ҳам етим-есирларга меҳрибончилик қилган анча саҳоватли бойлардан эди. Шунинг учун у бу даврда биргина Саидани эмас, ўғиллари Насриддин ва Фузайилларни ҳам шу йўлга тарғиб қилган эди. Насриддин тиббиёт бўйича, Фузайилни ирригация ва сув хўжалиги мутахассислиги, қизи Саидани муаллимлик соҳасида ўқишга юборади. Жумладан, Фузайил Шераҳмадов Германиядан ўқишни битириб келиб 30-йил ўрталарида Катта Фарғона канали лойиҳасини тузувчи раҳбарларидан бўлиб ишлаётган бир пайтда (1937 йилда) немис фашистлари жосуси сифатида қамоққа олинди ва ўша ерда йўқ қилиб юборилди. Унинг укаси Насриддиннинг тақдири ҳам шундай фожиали бўлди.

Насриддин ва Фузайил акаларининг Ўзбекистонга қайтганларидан кейинги бу фожиаларнинг бошланишини эшитганми ёки бошқа сабабданми, улар билан бирга Германияга ўқишга кетган синглиси Саида ватанига қайтишга юрак ютолмайди. Кейинчалик Германия ҳукумати тепасига келган фашистлар режимидан безиб, Берлинни тарк этиб Туркиядан бошпана топади. 20-йилларнинг бошида ўзи билан бирга Германияга кетиб, тиббиёт бўйича таълим олган тошкентлик «Ўктой» тахаллусли ўзбек ҳамшаҳар йигитга турмушга чиқади ва умрининг охиригача Туркияда турғун бўлиб қолади. Саида Истамбулда қизлар лицейида муаллима, эри Ўктой эса тиббиёт профессори сифатида ишлаб ватангадолик билан оламдан ўтадилар.

Ҳозирда Тошкентда ҳаёт бўлган Шераҳмадбойнинг набиралари Шарипа опа Абдувамин қизлари (1910) ва Чингиз Акбаров (1930)-ларнинг айтишларига қараганда, Саида Шераҳмад қизининг Истамбулда яшаётганлиги ҳақидаги биринчи хабарни уларга 1969—70 йилларда узоқ йиллар турли сабаблар билан хорижда бўлиб, кейинчалик Тошкентга қайтган Саидмаъруф Каримий етказган ва шундан кейингина (қарийб 50 йиллик жудоликдан сўнг) Саида опа билан хат олиша бошлаганлар. Саидахон опаси Маъсуда опага ва жияни Чингизга ёзган хатларида Тошкентдаги бутун қариндош-уруғлари, Насриддин ва ва Фузайил акалари, уларнинг болаларини соғлиқларини сўраб турган (Назаримизда Саида опа ҳар иккала акаларининг қатағон қурбонлари бўлганликларини вафотига қадар ҳам эшитмаган ёки эшитса ҳам ишонмаганга ўхшайди), ватанини, эл-юртини, жонажон Тошкентини ниҳоятда соғиниб, фурсат топди дегунча, шу томонларга учишга қанот боғлаб турганлигини ёзган. Хатларнинг мазмунидан уларнинг сўнгги нафасгача ҳам ватанларидан, туғишган авлод-аждодларидан кўнгил узолмай, ниҳоятда соғинч ва алам, қўмсаш билан яшаганликлари очиқ сезилади. Жумладан, Саида опанинг 1970 йил опаси Маъсудага ёзган хатларида ҳам ватангадоликнинг руҳий фожиалари ва соғинч аламлари ёрқин ифодалангандир.

Мана улардан намуналар:

«Жоним опам Маъсуда!

Қўрқа-қўрқа кутган хатимни шу онда ўқидим. Худога кўп шукурки, яхши бўлиб кетибсиз. Худо узун умр берсин ва ҳеч бўлмаса, бир-биримизни бир кўриб, дийдоримизга тўяйлик. Кўпдан бери хат келмаганлиги учун сиз бетоб бўлиб қолдингизми, деб ўйлагандим. Худонинг бизга раҳми келди, шекилли сиз яна соғайиб кетибсиз. Бунга жуда суюндим. Куёвингиз ҳам бунинг учун кўп қайғуланиб, ташвишланиб турган эдилар. У киши ҳам жуда суюниб кетдилар. Худо узун умр берсин, деб дуо қилмоқдалар. Энди ҳамма бола-чақаларингизни уйлантириб хотиржам бўлганингизни ўқиб кўп суюндим. Имкони бўлса дарҳол самолётга ўтириб, олдингизга борардим ва сизга сўнгги кунларингизда қараб ўтирар эдим. Куёвингиз Ўктойбек ҳам ҳеч ёлғиз қололмайдиганга ўхшайди. Бирга боришимизга имкон йўққа ўхшайди. Зотан, мен учун қадрли ватанимда сиздан бошқа яқин одамим йўқ. Жиянларимни расм орқали ҳам танимадим, шунинг учун бир борсам ҳаммангизни бир кўрган бўлардим. Кейинги пайтларда мен ҳам ётиб қолдим, бошим қаттиқ оғрийди. Ҳозир соғайиб кетдим. Ишга бориб турибман. У ёққа бориш учун қанот ёзиб турибман. Кошкийди, мен ҳам ўша ерда бўлсам. Ўртада турган у кишиқ билан сизга бир хат юборган эдим. Унинг адресини топа олмаган эдим, агар топсам, унга ҳам алоҳида хат ёзаман.

Ҳаммангизни чин қалбимдан табриклаб, сиҳат-саломатлигингизни Улуғ тангридан сўраб қолувчи синглингиз Саида Ўктой.

Опажон сизни қучоқлаб тезроқ соғ-саломат бўлиб кетишингизни чин юракдан дуо этаман.

Бу хатнинг ичига икковимизнинг рангли суратимизни қўшиб юбораяпман.

9. V. 1970.

Истамбул —
80/2».

* * *

«Жоним опам Маъсуда!

Шу ойнинг тўққизинчисида ёзган каттагина хатингизни олдик. Соғ-саломат эканлигингизни эшитиб, кўпдан-кўп хурсанд бўлдик. Бу томонларга келиш учун ҳаракат қилаётганингиз бизни янада қувонтирди. Иншоолло тез орада бир-биримиз билан кўришармиз. Бу хабарни эшитишингиз биланоқ, балки бизда ишингиз осонлашармикан, деган андишада бир таклифнома тайёрлаб юборамиз. Шунчалик йўл босиб келганингиздан кейин бизларникида бир неча ой қолсангиз, кўп хурсанд бўлардик.

Бу ерга (сиз билан) яна бир бошқа одам келадиган бўлса, исмини ва ёшини тўғри ёзиб юборинглар. У кишига ҳам қоғоз тайёрлаб юбориш керак. Жарариқда тоғамларнинг жойида турганингизни эшитиб кўп хурсанд бўлдим. Уларнинг ҳаммаларига кўпдан кўп саломлар.

Жиянларимнинг отларини ёзиб юборганингиз жуда яхши бўлибди. Лоақал уларнинг исмларини билиб олдимку. Акажонимнинг қизларининг исмлари нима эди, ёшлари нечада, нима қилишади? Кечикиб бўлса ҳам гоҳ-гоҳ хат олганимиздан жудаям хурсанд бўлаяпмиз. Бошқа иложимиз йўқ. Шу ўртада дийдор кўришсак, армонимиз қолмайди, деб ўйлаймиз.

Ҳамиша сизга сиҳат-саломатлик тилаб, ҳаммангизга қизғин саломлар билан синглингиз.

Саида УКТОЙ.

Ушбу хат билан бирга тасдиқланган таклифномани юбораяпман. Бу нарса Туркияга келишингизни осонлаштиради, деган умиддаман. Иншоолло келаси йил дийдор кўришиш насиб қилар, опажон. Хўп, саломат бўлинг

Саида УКТОЙ.

Истамбул, Қадикўйи.
2/XI—1970 й.».

«ИСТАМБУЛ, ҚАДИКЎЙИ.

15 март 1972 йил.

ЖОНИМ ЖИЯНИМ ЧИНГИЗ!

Шу ой ичида мактубингни олиб ҳам суюндим, ҳам йиғладим. Онажонимни, опажонимни энди кўролмайман, деб кўп хавотир бўлдим. Бир иложини қилиб бурчимни (охирги бурчимни) бажарарманми, деган хавотирдаман. Ҳаммангиз соғ-саломатликларингиздан кўп хурсанд бўлган эдим. Бир йил олдин юборган таклифномамни олганингизни шу хатингиздан билдим. Аммо фойдаси бўлмаганини эшитиб кўп хафа бўлдим. Зотан ҳамиша тушимда опажонимни кўриб юрган эдим. Бизларнинг ҳаётимиз яхши. Ҳеч хавотир олманглар. Сизлардан биттангизни кўриш биз учун катта бир орзу эди. Худонинг даргоҳи кенг, тоғ тоғ билан кўришмайди, одам одам билан кўришади, деган гап бор. Ниятларим жуда катта, қўлимдан ҳеч нарса келмагани учун ҳамиша сизларни ўйлаб юрибман. Ман яна ўқитувчилик қилаяпман. Мактабдаги болалар билан овуниб юрибман. Поччанг ҳам касалларга қараб юрибди. Саломатлиги илгаригидан анча яхши. Келин ойим тўғрисида ёзган гапингни эшитиб, кўп хурсанд бўлдим. Анчадан бери хат ёзмаганимизнинг сабаби — олдинги ёзган хатларимиз сизга етиб бормаган, деб ўйлаган эдик. Байрамда битта открытка ёзиб юборган эдик, шуни олдиларингми ёки йўқми, билмадик.

Опажоним бетоб бўлса керак, деб ўйлаб юрган эдим. Худо шифо берса бир иложини қилиб келарлар деб ўйлаган эдим. Яхшиямки опамнинг ёнларида сизларга ўхшаган қариндошларим бор. Гарчи биз сизлардан анча узоқда бўлсак ҳам ҳамиша сизларни ўйлаб юрамиз. Опажонимга нима керак бўлса, ҳаммасини қилишинг керак, чунки сен энг катта ўғилсан. Опажонимга қилаолмаган яхшиликларимни (орзу-ҳавасларимни) лоақал сенга қилаолсам, жуда хурсанд бўлар эдим. Агар сенга бирор нарса қилаолишим мумкин бўлса менга ёзиб юбор. Биз ҳам шуни қилишга уриниб кўрамиз.

Ҳаммангизга чин кўнгилдан саломлар, бағримизга босиб кўп-кўп ўпамиз, иншоолло, опажоним бу хатимни олиб ўқийлар ва хурсанд бўладилар.

САИДА ВА УКТОЙ».

* * *

«4 июнь 1972 йил.

ЖОНИМ ЖИЯНИМ ЧИНГИЗ!

Икки кундан бери нима қилаётганимни билмайман. Ойижонингни кўмганинг ҳақидаги хатингни олдим. Бинобарин (зотан) олдинги хатни юборганимдан бери ҳамиша сизларни ўйлаб, кечалари ҳар хил тушлар кўриб, ваҳимага тушиб, сендан мактуб кутиб ўтирган эдим. Хатингни юрак ўйноғида очиб ўқидим ва сенинг менга нисбатан жиянлик вазифангни тўла-тўкис адо этганлигингни англаб, нима қилишимни билолмай қолдим.

Ҳаёт чиндан ҳам курашдан иборат эканини мен ҳам тушундим. Унга қарши курашиш ҳам лозим экан. Дунёда тирик юрганингиздан кейин бошга тушган нарсага чидаб кетишдан бошқа иложимиз йўқ экан. Сизлар ака-укалар сифатида бир-бирингизни йўқлаб турасиз, гарчи мен сизлардан жуда узоқ бўлсам ҳам ҳамиша сизларни ўйлаб, шунинг орқасидан мадад олиб иш қилишга мажбурман. Мен бу дунёда энди ишим қолгани йўқ, деб ўйлаган эдим. Сен бўлсанг менинг зиммамга катта вазифа юклаяпсан, шу ишончга лойиқ бўламанми, деган андишадаман. Илоҳим сенинг ўйлаганингдек бўлсин.

Ҳол-аҳволингиз ҳар жиҳатдан яхши эканлигини эшитиб, кўпдан кўп хурсанд бўлдим. Ўзинг айтганингдек, худонинг қилган ишига бўйин эгмакдан бошқа илож йўқ экан. Мен ҳам бу ерда бир-икки ҳамшаҳарлар билан учрашиб умр ўтказиб келаяпман. Агар поччанг бўлмаганда, аллақачон мен ёнингизда бўлардим. Умр шу тарзда тез ўтиб кетаяпти, вақт ҳам тўхтовсиз ўтиб кетаяпти. Бизлар ҳам қариб қолдик. Сизларни бу ерда кўриш насиб қилармикан, билмадим. Бизнинг бу ердаги ишимиз у ерга бориш учун қулай келмайдиганга ўхшайди. Бу ҳақда яна ҳали гаплашармиз.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик тилайман, яқин орада дийдор кўришиш бизга насиб қилсин. Яхши ният ёрти мол, деганларидек бир кунмас бир кун учрашиб қоламиз, деб ўйлаб ётибмиз. Ҳаммангизга қизғин салом йўллаб, соғ-саломат бўлишингизни тилаб қолувчи холангиз ва поччангиз САИДА ВА УКТОЙ».



Шерали ТУРДИЕВ,
филология фанлари номзоди.

Буюк Ғалабанинг 45 йиллигига

ТОЖИБОЙ «МЕРГАН»

1942 йил 22 ноябрь куни ўз ихтиёри билан фронтга отланган Тожибой Ражабов Улуғ Ватан урушининг охиригача жанг қилиб, эсон-омон юртига қайтди.

Урушдан кейин Давлат хавфсизлик қўмитаси ва ички ишлар соҳасида фаолият кўрсатди. У ҳозирги вақтда Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган шахсий пенсионер.

* * *

...Қаҳратон қиш. Изғирин юзкўзга игна бўлиб санчилади. 1943 йил январь ойининг иккинчи ҳафтасида совуқ 35 даражага етди. Кунларнинг бирида Тожибой хизмат қилаётган батальон мудофаада турган тепалик устида душманнинг иккита «Юнкерс»и пайдо бўлиб, ажал уруғини соча бошлади. Сафдан чиқаётганлар сонини тобора ортиб бораётганлиги Тожибойнинг ғазабини қўзғатди. У пулемётини махсус мосламага ўрнатди-да, команда берилишини кутмай самолётларга қарата ўт очди. Кўп ўтмай «Юнкерс»ларнинг бири тутаб, мудофаа чизиғидан 200-250 метр нарига қулаб тушди. Тожибой ўзининг ярадор бўлганлигига қарамай отишни яна давом эттирди. Охири қолдан тойиб йиқилиб қолган Тожибойни ҳамширалар жанггоҳдан олиб чиқишди.

Госпиталда даволаниб қайтгач, у фронтнинг олдинги чизиғида мерганлик қила бошлади. Кунларнинг бирида уларнинг ертўласига кириб келган рота командири мурожаат қилди:

— Шоввозлар, бизнинг рўпарамизда душманнинг маҳоратли мергани пайдо бўлибди. Бадбахт кўз очиргани қўймаяпти. Мўлжалига илинган жангчини сафдан чиқаряпти. Шу аблаҳни жаҳаннамга жўнатишни сизларга топшираман.

— Хотиржам бўлинг, ўртоқ командир, топшириқ бажарилади, — жавоб қилди Тожибой Ражабов.

Тожибойнинг қўғирчоқ одам ясаб, гитлерчи мерганни чалғитиш тўғрисидаги режаси ҳаммага маъқул тушди.

Тонг отиши олдидан челакка эски буюмлар ўралиб, қўғирчоқ одам ясалди ва якка дарахт ёнига ўрнатиб қўйилди. Тожибойнинг ўзи ундан 25-30 метр ўнг томонда жойлашиб, душманни синчковлик билан кузатишни давом эттирди. Кун ёришиши билан қўғирчоқ одам кўзга яққол ташланиб қолди. Шу лаҳзада гитлерчи мерган унга қарата ўқ узди ва Тожибойнинг мўлжалига тушди-ю, биринчи ўқ биланоқ гумдон қилинди.

Душман мудофаа чизиғининг бошқа ерида яна икки мерганнинг пайдо бўлганлиги ҳам анча ташвиш келтирди. Рота командири уларни йўқ қилишни Тожибой ва унинг шерикларига топширди.

— Менимча, аввало душман мудофаасига яқинлашиб бориб кузатиш, уларнинг қаерда жойлашганлигини, қачон пайдо бўлишларини аниқлаш ва шунга қараб ҳаракат қилиш лозим, — деб ўз фикрини билдирди Тожибой.

Унинг фикри рота командири ташвишини енгиллаштиргандек бўлди.

— Рухсат этсангиз, ҳозироқ душман мудофааси томон йўл оламан. Фақат қаердан бориш бехатарроқ эканлигини сапёрлардан билиб берсангиз бўлди.

Ертўлага таклиф қилинган сапёр харита ёйиб, жангчиларга бехатар йўлни аниқ белгилаб берди. Тожибой автоматини елкага осиб, душманнинг ўт очиш позицияси томон сурила бошлаганда соат тунги бирлардан ошган эди. Мўлжалланган ерга етиб бориб, қорга ботган ҳолда теварак-атрофни кузата бошлади. Бу иш тонг ғира-ширасигача давом эттирилди. Совуққа қотганлигидан бутун вужуди қақшаб оғриётган бўлса ҳам душман траншеясининг бурилган ери мерганлар ини эканлигига ишонч ҳосил қилганидан кейингина орқага қайтди.

Бир неча кун давомида олиб борилган кузатиш шуни кўрсатдики, икки гитлерчи мерган инга кечқуруи қош қорайиши олдида келар экан. Ана, улар ҳозир ҳам энгашиб, бошларини елкаларига қисган ҳолда ўз қароргоҳларига яқинлашмоқдалар. Олдиндагиси — кузатувчи, унинг қўлида қуролдан ташқари стереотруба, кейингиси —мерган, унинг қўлида мўлжалга оладиган милтиқ. Иккаласи бир-бирини яшириб битта одам шаклига келганда Тожибой тепкини босди...

Моҳир мерган Тожибой Ражабов 1944 йил 7-13 январь кунлари душманнинг 16 аскар ва сипоҳисини гумдон қилганлиги учун 6-армия қўмондонининг 1944 йил 25 январдаги буйруғига мувофиқ III даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланди.

* * *

333-ўқчи дивизиянинг 1148-ўқчи полки мерганлар командаси сафида бўлган Ражабов 1944 йил сентябрь ойида душманнинг 11 аскар ва сипоҳисини ер тишлатди.

6 октябрдан 10 октябргача полк мерганлари командаси билан 17 кавалерия дивизияси составидаги 59-кавалерия полки мудофаа участкасида ҳаракат қилиб, яна 13 гитлерчини ер тишлатиб, ўз дафтарига 24 нафар душманни ўлдирганини қайд қилиб қўйди. Кўрсатган бу жасоратлари учун Тожибой 1-Белоруссия фронти қўмондонининг 1945 йил 27 январдаги буйруғига биноан II даражали Шуҳрат ордени билан мукофотланди.

Қўрқмас жангчи Тожибой Ражабов Висла дарёсидан Одер дарёсигача давом этган қишки ҳужум операциясида гитлерчи кичик группаларни тугатиш пайтида яна 10 фашистни гумдон қилди. У шунингдек, душман разведкасининг икки, контрразведканинг икки агентини, «Фольксштурм»нинг 13 аъзосини ҳам қўлга туширган.

Польша пойтахти Варшава, шунингдек, Люблин ва Краков шаҳарларини озод қилишда, Германиянинг Франкфурт ва Котбус шаҳарларини ишғол қилишда ҳам иштирок қилди.

Тожибой Ражабов СССР Олий Совети Президиумининг 1946 йил 15 майдаги фармонига биноан I даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланди.

Мажид САМАДОВ,
СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

ВЕТЕРАНЛАР БУРЧИ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида Ғалабанинг 45 йиллиги арафасида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларнинг Шон-шуҳрат музейи ва ёдгорлик обидаси очилди. Бу ерда урушдан қайтиб келмаган завод ходимларининг, шунингдек оғир уруш йилларида ўзининг корхонадаги фидокорона меҳнати билан ғалабани яқинлаштирган кишилар хотираси абадийлаштирилган.

Бу воқеа — Ўзбекистон пойтахтининг Куйбишев ноҳиясида уруш ва меҳнат ветеранлари ноҳия кенгаши ҳомийлигида шу кунларда ўтказилаётган кўплаб тадбирларнинг биттасидир, холос.

Жумҳурият меъморлар уюшмаси ноҳияда ҳалок бўлганларга ёдгорлик ўрнатиш борасидаги ишларни бошлаб юборди. Комсомоллар ва пионерлар уруш қатнашчилари учун фронт йилларида юборилган учбурчак хатлар шаклида табрикномалар тайёрлашди. Бу ишларнинг ҳаммаси ноҳия ветеранлар ташкилоти ташаббуси билан ҳамда унинг ёрдамида қилинмоқда.

Ноҳияда собиқ жангчиларнинг биронтаси эътибордан четда қолгани йўқ. Ветеранлар ташкилоти бугун ўрнидан туролмай қолган ва доимий ёрдамга муҳтож бўлган ногиронлар, собиқ аскарларга алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Меҳр-мурувват ва саломатлик фонди, шунингдек ноҳия социал таъминот бўлими ҳузуридаги ветеранлар кенгаши ташаббуси билан тузилган «Меҳр-мурувват жамияти» бу одамларга ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олган. Улар шу пайтгача кўп яхши ишларни амалга оширдилар, мурувват кўрсатдилар.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзТАГ мухбири.

Сиз ёқтирган хонанда

«СЕН БОР, МЕН БОР...»



Жалолиддин аканинг уйи серфайз хонадонлардан эди. Наманганнинг кўплаб таниқли хонандалари бу ерга тез-тез келиб туришарди. Гоҳи тунда, гоҳи кундуз, гоҳи оқшом тараладиган қўшиқларидан ҳеч ким зерикмасди. Аксинча, кўпчилик завқ олиб, баҳраманд бўларди. Айниқса, Камолиддин Раҳимов, Муҳриддин Мансуров, Ҳабиба Охуноваларнинг дилбар қўшиқлари янграганда ҳатто яқин қўшнилар ҳам чиқиб, қизғин суҳбатларга қўшилиб кетишарди.

Ана шундай кунларда елиб-югуриб юрган хонадон бекаси Курбоной опа ўғилларининг кўзига уйқу индиролмасди. Ўртанчаси Муҳриддин тушмагур жуда ҳам бошқача. Артистлар тўпланса, унинг учун байрам бўларди.

Яхши одамнинг уйига меҳмон кўп келади, дейдилар. Қолаверса, бу хонадон ёру-дўстларининг аксарияти файзу тароватни ҳам санъат туфайли эди. Жалолиддин аканинг ёқимли овозию, пурмаъно суҳбатлари, Курбоной опанинг одамшавандалигини бир марта кўрган ҳар қандай одам бу хонадоннинг ҳақиқий дўстига айланарди. Зеро, ҳозир ҳам шундай. Шу боис Наманганга гастролга келган санъаткорлар уларнинг меҳмони бўлмасдан қайтишмасди.

— Бир куни Ҳалима опа Носирова уйимизга келгандилар, — дейди Муҳриддин. — Биз ёш эдик. Ҳар қалай ўзимизга яраша шўхлигимиз ҳам бўлгандир. Отам сўзига биноан «санъатимизни» кўрсатдик. Бундай пайтларда онамиз ҳам, дадамиз ҳам яйраб кетишарди. Ўшанда Ҳалима опанинг: «Ўғилларингизни албатта ўқитинг, улардан яхши санъаткор чиқади», деганлари ҳамон ёдимда.

Сўзсиз бундай рағбатни эшитгач, фақат Жалолиддин ака, Курбоной опа эмас, бошқа ота-оналарнинг ҳам кўнгли тоғдай кўтарилиши табиий.

Бу гапдан кейин меҳрибон ота ўғиллари билан яна ҳам жиддийроқ, кўпроқ шуғуллана бошлади. Ўзининг хонандалик фаолиятида ўрганган санъат сирларини ўғилларига тушунтирди. Бунинг учун турли-туман йўллардан ҳам қидириб топарди. Бу борада магнитофон усули кўпроқ фойда берди.

Жалолиддин ака ишга кетар чоғи магнитофон қулоғини бураб, қўшиқ матнларини устига қўйиб кўярди. Зеҳни ўткир Шаҳобиддин, Муҳриддин ва Хусниддин у қайтгунча ёдлаб айтиб беришни лозим эди. Энг яхши айтганга «мукофот» бериларди. У кўпроқ Муҳриддинга насиб қиларди. Хонадондан куй-қўшиқнинг аримаслиги, ўтган-кетганларга завқ улашиши шундан эди.

Муҳриддин санъат чаманига эрта кириб келди. Илк қўшиқларини отаси йўриғида мактаб саҳнасида айтиб тенгдошлари синовларидан ўтди.

Кейинчалик маданият саройлари, истироҳат боғларида ўтадиган тадбирларда ҳам ўз қўшиқлари билан мазмун киритди. Бу орада акаси, укаси билан чолғу асбобида, кўпроқ доирада жўрлик қилишиб ўзларича машқ қилишни одатга айлантиришди. Жалолиддин ака билан Курбоной опа уларга меҳр билан боқиб: меҳр-оқибатлари доимий бўлсин, аҳил бўлишса, ҳар учови ҳам узоққа боради, дейишарди. Аммо уч ака-ука ўғлонининг бир куни келиб энг катта саҳналарга ярашиқлик бўлишини, минглаб одамлар олқишига сазовор бўлишини хаёлларига келтиришмасди, ўшанда.

Кичик оилавий ансамбль хонандаси Муҳриддин ҳарбий хизматга чақирилди. Бунда ҳам унга омад кулиб боқди. Хизматни Икромжон Бўронов бошлиқ ҳарбий ансамблда ўтади. Аввал доира чалди. Кейин қўшиқ айтди. Ўз санъатини ҳарбий интизом билан уйғунлаштирган маҳоратини оширишга катта ёрдам берди. Хизматдан қайтган Муҳриддин 1980 йили Тошкент Давлат маданият институтига ўқишга кирди.

Баъзи ота-оналар фарзандлари ҳаётга қадам қўйиши билан кўнгиллари хотиржам бўлади. Бу ёғига эплаб кетади, деган фикрда уларни эътибордан чиқарадилар. Лекин айрим ота-оналар фарзандлар ўртасидаги қадр-қиммат, меҳр-оқибат ҳам, уларнинг ҳаёт йўлида дадил бўлишни ҳам, танлаган касбига муҳаббат ҳам худди шу даврда шаклланишини яхши ҳис қиладилар. Масъулиятни, ўгит ва назоратни бир қадар кучайтирадилар. Жалолиддин ака санъаткорлиги туфайли кўпни кўрганидан буни яхши тушунарди. Курбоной опа ёзувчи эмасси инсонийликнинг мирдан сиргача яхши биларди. Қанча-қанча болаларга ҳам шу ҳақда ёзган ўзи. Қувонарлиси шундаки, фарзандларининг барчаси бугун ҳар дақиқа ўз ис эзган ҳолда иш тутишди.

Муҳриддин учинчи курсга ўтганда институтнинг «Баёт» бадиий ҳаваскорлик жамоаси фаолларидан бирига айланиб, турли учрашувлар, фестивалларда муваффақиятли иштирок этди. 1987 йили эса Москвада бўлиб ўтган ёшлар ижодиёти иккинчи фестивалининг лауреатлигига сазовор бўлди.

Институтни тугатгач, ёш санъаткор юрагида бир олам эзгу ниятлар билан иш ахтарди. Қизиғи шундаки, у эшигини қоққан идораларда ўтирган раҳбарлар ғамхўрлик кўрсатиб, камолот сари етаклаш ўрнига ортидан эшикни ёпишди. Бундай пайтларда Муҳриддин асло тушкунликка тушмади. Ўз қобилияти ва иродасига ишонди. Тошкент Давлат дорилфунунининг маданият саройида даста тузиш таклифини ўртага ташлади. Акаси бадиий раҳбар бўлиб, укаси эса чолғу асбобларини яхши билгани учун куй басталашда ҳамроҳлик қилди. Шу зайл уч ака-ука санъат оламида изланиша бошладилар. Худди шу давр Муҳриддин ижодида бурилиш ясади. Унинг «Ёғду билан», «Еримни уйғотиб ўт», «Тўй алёри» каби кўпгина қўшиқлари шинавандалар томонидан яхши кутиб олинди. Радиотўлқинларида ҳам унинг овози тез-тез янграйдиган, ойнаи жаҳонда мунтазам иштирок этадиган бўлди. Рўзнома ва журналларда Муҳриддиннинг ажойиб овози, иқтидорли қўшиқчи эканлиги ҳақида ёзишди.

Чиндан ҳам Муҳриддин санъатга ўз кўнгли, ўз овози, ўз услуби билан кириб келди. Бунда акаси Шаҳобиддин, укаси Ҳусниддин ва энг муҳими устози, падари бузруквори Жалолиддин аканинг ҳиссаси кам эмас, албатта. Халққа тез танилиб кетишининг бирдан бир боиси ҳам шу. Қўшиқлари мавзуси жиҳатидан ранг-баранг. «Аламжон», «Эй нозанин», «Она» шулар жумласидандир.

Ўтган 1989 йил хонанда ҳаётида унутилмас бўлиб қолди. «Камолот-89» иқтидорлилар баҳсида Муҳриддин ғолибликни қўлга киритди. Йилнинг энг машҳур қўшиқчиси деб топилди. Шу кунларда «Ёшлар уйи» қошида фаолият кўрсатаётган «Нихол» ансамблининг репертуари Муҳаммад Юсуф шеъри билан айтиладиган «Йиғлама қиз», «Ай, юзингни кўрмадим» ҳамда «Олмача анорингга балли» эски халқ қўшиғига замонавий тус берилган ҳолда халқ тармалари асосида «Улғон уйнасин» каби янги қўшиқлар билан бойиди. Ансамбль хонандаси Муҳриддин Холиқов уларни маромига етказиб яна қўшиқ шинавандаларини хушнуд этишига ишонамиз.

— Ҳозир қобилиятли ёшлар кўп чиқишяпти, — дейди Муҳриддин. — Шунинг учун яратажак қўшиқларга, умуман муқаддас санъатга бир эмас, икки-уч карра масъулият билан ёндашмоғимиз лозим. Ҳа, масъулиятни ҳис этган кимса халқ олдида уятга қолмайди. «Нихол» ансамблининг жумҳуриятимиз турли бурчакларида илиқ кутиб олинаётгани, мухлисларнинг кунба-кун ортиб бораётгани бунинг исботидир.

Кези келганда дастага айтадиган гапларимиз, истакларимиз йўқ эмас; репертуар миллий руҳдаги қўшиқлар билан бойитилса, миллий чолғу асбобларидан кўпроқ фойдаланилса, томошабинлар дили хушнуд бўларди. Шунингдек, ҳозир жумҳуриятимизда қизғин тус олган ўзбек тили тарғиби ва миллийликка ўтиш ишига ҳисса қўшган бўлардилар.

Фарзандлари камолидан, меҳнатлари самарасидан мамнун Жалолиддин ака билан Курбоной опанинг эндиги ниятлари ҳам шундай. Муҳриддин ижросида «Қаро кўзим», «Соғиниш» каби классик қўшиқларни тинглагиси келади. Яқин кунларда уларнинг бу ниятлари ҳам ушалишига ишонса бўлади. Чунки бу хонадонда юқорида таъкидлаганимиздек қадр-қиммат, меҳр-оқибат, аҳиллик бор. Ота-она йўлида фарзандлар шундай тарбияланишган. Шу боисдан биз ҳам Шаҳобиддин бошчилигида Хусниддин басталаган, Муҳриддин айтаётган қўшиқлар жаранги тобора ортиб боришига ишонамиз. Ўзбек қўшиқ санъатини янада бойитишда Муҳриддинга омадлар тилаймиз.

Муқаддас СОЛИҲ қизи.



Сочлари сунбул қизлар! Ўша сунбул сочларга умрин осган йигитлар! Рўзномамиз жарлаган сунбул байрамига боришни унутмадингизми? Ғовасой соҳилларида йўлимизга термулган сунбуллар ўзларининг тим қора сочларини патила-патила қилиб байрамга безанибди.

Замон урфига мослашиб, сочларимизни кесиб ташлагандик, сунбул олдида қизариб қолмайлик деб ўзингизни тортманг, қизларжон! Сизгинамас, табиат ҳам ўз даврига мос иш тутади: сунбуллар ҳам кузда узун сочларини тарк этишганди, айни шу кунларда Ҳазрат Навоий айтганларидек:

> Гул атрофидин шоҳи сунбул чиқиб,
> Юз олидин андоқки кокул чиқиб...

Ғовасойга борсангиз, улар билан соч ўлчашасиз. Сунбулнинг сочлари энг ўсган давр август ойининг иккинчи ярмига тўғри келиб, у сунбула дейилиши барчангизга маълум.

Сунбулларнинг сочларида «дор ўйнаган» биллур томчилар Ғовасойга бош қўяди. Шунда баҳор баҳорлигини унутиб, ҳамма ёқда лойланиб кўпиргувчи сувлар ҳам Ғовасойда сунбула сувларидек шаффофланади. Унинг бағрида униб-ўсишга чоғланган балиқлардан тортиб, муҳаббат майсаларигача шундоққина кўриниб туради... Нафақат майсалар, балким, сой кўксига отилган тошлар ҳам тошлигини унутиб ўзини севдиртиради...

Ҳа, Ғовасой соҳиллари бугун шунчалар дилбар...

Эртага сунбул сайилига чиқадиган ҳар бир зиёратчи қалбига бу гўзаллик, эзгулик, поклик ошно бўлишига шубҳа йўқ.

Байрамоға бизни ҳам сайилга қўярмикан дейсизми? Байрамнинг бошлиғи-ю, эгаси бўлмайди. «Сунбул сайили» халқимизнинг тарихий байрами. Фақат... у ҳам наврўзимиз каби қатағон бўлганди... «Ёш ленинчи» рўзномаси ҳузуридаги «Шуъла» адабий уюшмаси ана шу серҳосият байрамимизни ҳам қайта тиклаш орзусида ердано қор кетган кунлардан бошлаб Ғовасойга танда қўйди... Бу таклифни Наманган вилояти комсомол қўмитаси, Чуст ноҳияси партия, комсомол қўмиталари, Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ёшларнинг маданий дам олишини ташкил этиш бўлими ва «Ёш ленинчи» рўзномаси қўллаб қувватладилар. «Хайрли ишга қуш қанотини солибди», деганларидек, ноҳия ижроия қўмитаси тасарруфидаги барча хизмат ташкилотларидан тортиб, маданият бошқармаси санъаткорлари ва ташкилотчиларигача сайилни сермазмун ва кўнгилли ўтказишга астойдил бел боғлашган.

«Унчалик бўлса, биз қуруқ қўл билан борамизми»? — деган андишага борманг. Тўйчилик. Оҳорли кийинишингиз ҳам сайилимизни байрамга айлантиради. Юзингизнинг қизилини кўрсак, кўнглимиз ором олади... Уйдан чиқиш олдидан яна бир тараддуд ҳам ёдингиздан чиқмасин: сунбул сайилида ногаҳонда кимдир сизни имтиҳон қилгани даврага рақсга тортиши мумкин, доривор гиёҳларни фарқлай олиш ва ундан уй шароитида қўлбола дармон тайёрлаш фасоҳатингизни синаш учун яна бирров сизни «Наботатда — табобат» баҳсига чорлаши аниқ. Ашъорга ошнолигингиз даражаси «Нафосат» даврасида сезилиб қолади.

Чевар опа ўспирин қизларимиз қўлига ранго-ранг ипак тутқазиб гул ва баҳор тасвирини матога тушириш санъатини синаш «хавфи» бор. Жумҳурият беллашма синови — «Иқбол» телеконкурсига тайёрланган чустлик лобарлар учун эса сунбул сайили энг катта имтиҳон бўлиши тайин. Шу куни бу беллашувга даъвогар қизларимиз эл олдида катта синовдан ўтадилар. Агар очиқ саҳнада бу дилбарларни мот қиладиган чустлик бошқа қиз майдонга чиқса, марҳамат — телеконкурснинг тўри ўша ғолибаники!

Қобилиятини намойиш қилгани майдонга чиқишдан иймаnadиган тортинчоқ кишилар ҳам сунбул сайилига ўзларига муносиб улуш қўшадилар. Улар ЎзЛКЁИ МҚнинг «Ижодкор» футболчилари ва наманганлик дарвозалар ўйинларида сидқидилдан ишқибозлик қилиб турсалар бас. Тилаклари ижобатга ўтиши аниқ.

...Шундай қилиб, эртага, 2-май куни Чустдаги Ғовасой соҳилида бўладиган «Сунбул сайилига» шошилинг, азизлар!

Мукаррама МУРОДОВА,
«Ёш ленинчи» ҳузуридаги «Шуъла» адабий уюшмасининг раҳбари.

Диққат, диққат, диққат!



«Нишона»



Муҳайё МУХТОРОВА 1972 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. «Шуъла» адабий уюшмаси аъзоси. Айни пайтда «Сиҳат-саломатлик» жаридасида ишлайди.

Шеърлари жумҳурият матбуотида илк бор эълон қилинмоқда.

ОРЗУЛАР ОҒУШИ

Орзуларимнинг кенг, пок оғушида
Ухлайман ёшлигим илк тонгин кутиб.
Ўн етти баҳорим ўйнар тушимда,
Ҳар бири қўлимга ўз гулин тутиб.

Болалик шўхлиги кетмаган ҳали,
Уйинқароқ ҳислар ғужғон қалбимда
Поёндоз тўшалган йўлни кўрсатиб,
Тез одимла дейди, — бахтинг олдинда.
Шамоллар силаган ёноқларимни
Ювмаган кўзимнинг ёш соболари.

Қалбимнинг меҳмони бўлмаган ҳали,
Муҳаббатнинг алам, изтироблари,
Мен еллар сингари бебошман, бебош —
Еввойи бахтимга ўзим қул, ҳам шоҳ!

ТАНҲОЛИК

Танҳолик сенда ҳам борми муҳаббат,
Сенда ҳам яшариш меҳр, ишонч, бахт
Сен ҳам куласанми, куясанми ё,
Нимадан ясалган сендаги тож-тахт.

Танҳолик сен орзу қанотимисан,
Ё сен бахтнинг саман оқ отимисан.
Ёки таҳқирланган пок муҳаббатнинг,
Кечикиб ёш теккан дур ҳокимисан.
Ўз бағрига сени шодлик олдими,

Ё меҳр термулиб сенга қолдими.
Ёки ғурбат кулиб армон сувига —
Сени йўргагингдан юлиб солдими?..
Танҳолик нимасан — бахтми, бахтсизлик?!

* * *

Кўзларим йўлингда нигорон бўлди,
Дардлашдим сен билан тинглади тоқат.
Мен экка ниҳоллар кун кўрмай сўлди,
Толиқдим кутишдан сени муҳаббат.

Оқламайман ўзим толиқдим рости...
Мен учун кун кўрмоқ энди яшамоқ.
Сени ўчиргандим қалб яна ёзди,
Менсиз яшайверар у берган сабоқ.

Қанча уринмайин қочар сен томон,
Шамоллар тўзғитган хаёлим бебош.
Келишинг ҳаттоки унга ҳам гумон,
Армонларга сингиб кетар томчи ёш...

Муҳайё МУХТОРОВА.

Бир рубобнинг икки тори

ДАРД

Нима керак сенга нима етишмайди ўзи? Дунёга сиғмадим дейсан? Ойнага тикилгач, кундан кун синиқиб бораётган юзинг, кичик жуссангни кўриб, ўзингдан ўзинг ҳижолат бўлиб кетасан. Барибир... Барибир тор. Шундан ҳам уй бўлдими. Эринмай у бурчакдан бу бурчакка одимлайсан. Чанг босган полнинг ярмини ёпган шолчанг, ёлғиз каравот, стол-стулинг ҳам кўнглингни баттар хижил қилади.

У хона ўртасида қаққайиб туриб қолди. Зерикканиданми, ё чиндан ҳам чеккиси келдими. Шими чўнтагидаги ғижимланган тамаки қутиси унинг ҳафсаласини пир этди.

Қаршисидаги дўконга тушиб чиққиси келмади: «Шаҳар-да, шаҳар, — ўйлади ўзича. — Олифталар. Сал у ёқ бу ёғингни тўғриламасдан юрсанг минг биттаси рафторингга қараб чимирилиши аниқ. Ҳали ювинмади, соқол ҳам...» Эринди у. Шу чоқ хаёлига келган фикрдан қувониб кетди. Болахонага чиқиб, тимсоҳ тасвири туширилган кулдонни қўлига олди. Икки-учта тамаки қолдиғини устма-уст тутатиб, босиб-босиб тортаркан, ўзини енгил сезгандай бўлди. Ҳавода кезаётган тутунларга тикилганча ўйларига эрк берди.

— ...Нега ҳафасан, Нодира?

— Ўзим шундай...

— Гапир, ахир. Сенга қараб, менинг ҳам юрагим эзилиб кетди. Нима гаплигини айтмасанг...

— Сиздан яширадиган гапим йўқ, Эркин ака. Орамиздаги муносабатни онам ҳам билди: Эркинни сенга уйлантиришмайди. Ота-онаси унга болалигидан Турди аканинг қизини айтиб қўйишган. Икки орада гап-сўз бўлганининг қолмаса, деб қўрқаман, дейди. Ўзим ҳам кўп ўйландим, ҳар хил хаёлларга бораркан одам.

— Қисинма, Нодира. Отамга айтаман, бизни тушунар. Кейин совчилар боради. Таътилда тўй қиламиз. Мана кўрасан, ҳаммаси биз ўйлагандек бўлади!

Димиқиб кетгач, деразаларни очиб юборди. Юзларига баҳор ҳавоси урилди. Пастга аланглаб қараркан, йўлакда қўлтиқлашиб кетаётган йигит билан қизга кўзи тушди. Улар катта кўчага бурилиб, нигоҳдан йўқолгунларича изларидан тикилиб турди: ҳасад биланми, ҳавас биланми, икковидан ҳам ҳоли эмас эди унинг қароқлари. Яна Нодирани эслади. «...Янами?.. Яна... Яна....» Шундай деганча алам билан деворни муштлай бошлади. «Яна...» Оғриқдан зўриққан кафтларини ёзаркан, телбаларча ҳаракатидан хўрлиги келди. «Бечора Нодира, — пичирлади у. — Билганмидинг шу кунлар бошимизга тушишини? Қандай чидайсан бу азобларга, жоним? Сенга қийин, менга ҳам. Мен нодон сени унутишга уриндим. Тақдирга тан бергим келдими?

Унутиб бўларканми, қиёфанг шундоқ қаршимда турса?»

Кўзларингдан сизиб чиққан ёшлар титраб турган лабларингга ёпишди. «Қизиқ, — ўйлади у. — Кўз ёши ҳам шўр бўларкан. Шўр бўлмай не бўлсин, сенинг ўзи пешонанг шўр!». Хаёлига келган фикрдан титраб кетди: «Наҳотки? Йўқ! Йўқ!!! Бўлмаган гап!»

Пешонаси шўрлигига аллақачонлар тан берганди: «У кунлар энди қайтмайди, кетди тўлқинлардай бир-бирини йиртиб. Ажойиб дамлар эди. Саробга айланган орзулар. Хотира... Йилларимга ҳамроҳ тутинажак қийноқлар... Фақат сиз қолдингиз. Ҳаммаси тугади, ҳаммаси».

— ...Нималарни ўйлаяпсиз, Эркин ака?

— Келажагимизни. Ҳеч Тошкентга борганмисан, Нодира?

— Бир марта онам касалхонада ётганида отам олиб борганди. Мактабга қатнамасдим у вақтда. Унчалик эсимда ҳам қолмаган, қандайдир бозорга киргандик. Ҳамма гул кўтарган, бирам чиройли. Ҳозир эсласам, ўшанда байрам арафаси экан. Биз бўлсак, онамга меваларидан олгандик.

— Яқин кунларда менга уй беришади. Кейин сен ҳам борасан. Мен ишлайман, сен ўқийсан. Ҳар куни гул кўтариб келаман. Уйимиздан гуллар аримайди. Ажойиб-а?

— Отам ўқишга юбормайди. Қанча йиғлаганман. Ҳеч рози бўлмаган. Қиз бола ўқиб, дунё олиб берармиди, дегани-деган.

— Ҳаммаси яхши бўлади. Тўйимиз ўтгач, бирга олиб кетаман. Албатта ўқийсан. Қувонч-ташвишларимиз ҳам бир олам бўлади, ўша пайтда. У кунларни ўйлашнинг ўзи бир завқли.

Кечкида ўқишга кирганидан бошлаб, қурилишдаги беш йил бадалида орттиргани шу бир хонали уй бўлди. Ҳали ҳамқишлоқлари билан яшаётган ҳужрасидан кўчиб ўтмасданоқ узун кечаларда хаёллар гирдобига ғарқ бўларди. Мусофирликда ўтган йилларининг ҳамроҳи гоҳ шўх, гоҳ маҳзун, ака-укадек бўлиб қолган дўстларини ташлаб кетиш қанчалар қийин бўлмасин, эртанги кун умиди шунчалар оҳанграбо.

Кўп ўтмай қишлоққа бориб отасига кўнглини очди-ю, балога қолди.

— Менга келин топармиш бу киши. Олим устанинг уйига совчи бўлиб борармишман. Топган жойини қаранг, — деди отаси кесатиб.

— Нега тушунишни истамайсиз, ота, — дейди Эркин, — Бир-биримизни севсак, ўртада аҳду-паймонлар бўлган. Сиз бўлса етти ёт бегона бир қизга уйлантириб қўймоқчисиз.

— Турди ака бегона бўлдими? Ўртадаги дўстлигимиз, қариндошлигимиз ҳаққи-ҳурмати қуда бўламиз, дея қўл ташлашганман.

— Барибир сиз айтган қизга уйланмайман, Нодирадан бошқасига уйлана олмайман, ҳам!

— Шунақами?! — жаҳлдан отасининг томирлари бўртиб кетди. — Ота маслаҳатига кириб акаларингнинг бири икки бўлган бу дунёда. Йўриғимдан юрмас экансан, гапимга кирмайдиган сендай фарзандим йўқ.

У совуққина хўшлашди. На: «бироз тур, машинада обчиқиб қўяман», дея кўнгли бўшлик қилган акасига, на кўзда ёш билан: «ҳеч бўлмаса нон олиб кет», дея ёлворган онасига қаради. Кимга зарда қилди, билмади. Фақат билдики, яна бир дақиқа турса йиғлаб юборади, шунисидан қўрқди.

Барибир бўлмади. Бўғзигача тиқилган йиғисини ютишга қурби етмади. Лаблари титраб кетди. Ёш тўла кўзлари билан бирон кимсага дуч келишдан уялиб, йўл четига, дарахтлар билан қопланган ўйдим-чуқур йўлакка ўтди.

Зум ўтмай кўнглида енгиб бўлмас истак туғилди. Истакки, ёмғирда эзилганча яёв кезса. Истакки, барини унутса, унутса... Йиртиқ хаёллари-ю, қалбига тикандек санчиладиган, ўйлаганда ўртагувчи йилларини ҳам. Йиғласа... Юрагининг туб-тубида қотган армонлари кўз ёшларига айланса... Барини унутса, унутса. Қаёққадир шошган одамлар тўдасига қўшилса, қувноқ чеҳраларига қувнаб боқса...

...У кўчага чиққанида ёмғир ёға бошлаб, баданни жунжиктирувчи совуқ тушиб қолганди. Камзулининг ёқасини кўтараркан, орқасига ўгирилиб, уйига қаради. Шундагина болахона деразаларини ёпмасдан чиққанини кўрди. Бир хаёли изига қайтмоқчи ҳам бўлди. Лекин қайтолмади. Шаҳдам қадамлар билан яна йўлида давом этди.

Сафарбой МАШАРИПОВ,
ТошДУ толиби.

ТВ

2 МАЙ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

* * *

10.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. Болалар учун фильм. «Мио, болажоним, Мио» (СССР — Швеция). 11.35 «Байрам табассуми». Телевизион миниатюралар театри (такрор.). 12.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қувноқлар ва зукколар». Тошкент чет тиллар педагогика институти ва Тошкент халқ хўжалиги институти командалари учрашадилар. Чорак финал. 14.25 Бухоро вилояти Когон шаҳри «Сайёд» эстрада ансамблининг концерти.

* * *

17.40 Кўрсатувлар тартиби. 17.45 «Май гуллари». Тошкентдаги 483-болалар боғчасида тарбияланувчиларнинг чиқиши. 18.15 «Холодильникда кимдир бор». Бадиий фильм («Грузияфильм»). 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Юлдуз Усмонова куйлайди. 20.25 Кинолавҳа. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Борлиқни безатар яна гўзал Май». Концерт. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Келинг, бир кулишайлик». Юсуфжон қизиқ хотирасига бағишланади. 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Дўстлик» программаси (рус тилида). 19.05 «Тўрғай». Бадиий фильм («Ленфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Санъат усталари». Композитор Хайрулло Абдуллоев. 22.45 «Муҳаббатим, қайғум менинг». Бадиий фильм (СССР — Туркия, рус тилида).

● МТ I

7.30 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати. 7.45 «Қумликдаги дарахтлар». Телевизион ҳужжатли фильм (Вильнюс). 8.25 «Сеҳргар билан учрашув. Мультфильм. 8.45 «Роппа-роса уч минут кам». Бадиий фильм. 10.00 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 10.35 Киноафиша. 11.35 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Маршал Рокоссовский. Ҳаёти ва давр». Ҳужжатли фильм. 13.05 «Ранг-баранг Май». Болалар концерти. 13.50 «Циркни ҳамма севади». Свердловскдан кўрсатилади. 14.35 «Камалак жилолари». 15.50 Лайма Вайкуле концерти. 16.55 Футбол. СССР кубоги. «Локомотив» (Москва) — «Динамо» (Киев). Финал. 18.50 «Оқ йилқи». Телевизион ҳужжатли фильм (Фрунзе шаҳри). 19.10 «Лабиринтга кириш». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. Премьера. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 П. И. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр учун 1-концерт. 21.50 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Финал группалари командалари учрашуви. Швейцариядан олиб кўрсатилади. 2 ва 3-даврлар.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 09076. Д. — 28456.